

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2023 йил сентябрь ойининг 4 кунда, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: А.Абдураззаков;

Судья ёрдамчиси А.Азамов ва Д.Тўхтаевларнинг котиблигида,
томонлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Амонов,
ҳимоячи Қ.Мирзаев ва А.Аширбаевларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 228-моддасининг 1-қисми, 185-2-моддасининг 3-қисми, 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Сапаров Кобул Камилович ва ЖК 205-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан судланувчи Рустамов Сарвар Суванқуловичга нисбатан юритилган 1-1410-2301/50-сонли жиноят ишини кўрди.

Судланувчи Сапаров Кобул Камилович, 1979 йил 26 августда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам;

1. 2014 йил 28 ноябрда жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман суди томонидан ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 5-бандига асосан тугатилган;

2. 2017 йил 13 декабрда жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман суди томонидан ЖК 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2019 йил 24 июлдаги ЖК 73-моддаси тартибидаги ажрими билан ўталмасдан қолган 4 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

3. 2021 йил 13 январда жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман суди томонидан ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан ЖК 62-моддаси қўлланилиб, 2 йил 4 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган,

4. 2021 йил 23 апрелда жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди, 140-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 219-моддасининг 2-қисми ва 184-моддасининг 3-қисми билан ЖК 57,59,59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддалари қўлланилиб, 36.750.000 сўм жарима ва 2 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазolari тайинланган, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 17 июндаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, ЖК 59, 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддалари қўлланилиб, 36.750.000 сўм жарима ва 2 йил 2 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2022 йил 16 сентябрдаги ЖК 44-моддаси тартибидаги ажрими билан тайинланган 36.750.000 сўм жарима жазосининг ундирилмасдан қолган 7.621.192 сўмлик қисми 1 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, ЖК 59-моддаси



тартибида тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосига қисман қўшилиб, 2 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган; оилали, тўрт нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, меҳнатга лаёқатли, «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси ва «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаган, Самарқанд вилоят, Каттакўрғон туман, Кумушкент маҳалласи, Лублахур қишлоғида яшайди, 2022 йил 7 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Нуробод туман суди томонидан сиртдан «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2023 йил 16 январь куни ушланган, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2023 йил 27 июлдаги ажрими билан эҳтиёт чораси «гаров» тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, гаровга К.Сапаровнинг ўзига тегишли Ласетти русумли, 30 Н 858 КА давлат рақам белгили автомашина қўйилган, айблов хулосасининг нусхасини 2023 йил 28 апрель куни олган.

Судланувчи Рустамов Сарвар Суванқулович, 1983 йил 1 сентябрда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам; 2023 йил 1 февралда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди томонидан ЖК 167-моддаси 2-қисмининг «а,б,г» бандлари ва 209-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЖК 45,59-моддасининг 2-қисми ва 62-моддаси қўлланилиб, 1 йил муддатга банк тизимида мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 1 йил 5 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2023 йил 4 сентябрь куни ҳолатига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг 6 ой 13 кунлик қисмини ўтаган, ўталмасдан қолган муддати 5 ой 17 кунни ташкил этади, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 5 ой 27 кунлик қисмини ўтаган, ўталмасдан қолган муддати 1 йилни ташкил этади; оилали, тўрт нафар фарзанди бор, маълумоти олий, меҳнатга лаёқатли, илгари АТ «Aloqabank» Самарқанд филиали жисмоний шахсларни кредитлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган, ҳозирда ишсиз, Самарқанд шаҳар, Беруний кўчаси, 86-уйда яшайди, 2023 йил 14 март куни ушланиб, «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2023 йил 31 март куни эҳтиёт чораси «гаров» тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, гаровга ўзи томонидан 6.600.000 сўм пуллар қўйилган, айблов хулосасининг нусхасини 2023 йил 28 апрель куни олган.

Суд, судланувчиларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича таҳлил қилиб, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Сапаров Кобул Камилович, Каттакўрғон туманидан рўйхатдан ўтган «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, АТ «Aloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази ва



«Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси ўртасида 2018 йил 14 декабрда тузилган MAP-4-сонли кредит шартномага асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3283-сонли Қарори ҳамда «Халқаро таррақиёт ассоциациясининг кредит линияси» ҳисобидан «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонасига чет давлатдан йирик шохли симментал зотли қорамолларни сотиб олиш учун 84 ой муддатга, 24 ой имтиёзли давр билан йиллик 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шарти асосида 199.483,20 АҚШ доллари миқдорида кредит маблағини ажратишга эришиб, Австрия давлатининг «AGRO BREEDING GmbH» корхонаси билан 2018 йил 6 августда тузилган 2018/96-сонли шартномага асосан, 2019 йил 14 январда конвертация қилиш учун 199.483,20 АҚШ доллари корхонанинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиб, ушбу пуллар 2019 йил 14 январда 173.811,27 Евро қийматида конвертация қилиниб, «AGRO BREEDING GmbH» корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказилиб, ҳар бир боши 2.300 Евродан, жами 75 бош симментал зотли қорамолларни, жами 172.500 Еврога сотиб олиб, кейинчалик ушбу қорамолларнинг 25 бошини 650.000.000 сўмга «Imkon Baraka Azizbek» ХК га кредит эвазига сотиб, пуллари кредитни сўндиришга йўналтириб, 2022 йил 14 июнь ҳолатига қолган жами 115.000 Еврога тенг жами 50 бош симментал зотли қорамолларни нақд пулга сотиб, 1.322.504.600 сўм жуда кўп миқдордаги қийматга тенг бўлган жами 115.000 Еврога тенг давлат бюджети маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, судланувчи Сапаров Кобул Камилович, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиали бошлиқ ўринбосари-кредит бўлими бошлиғи, яъни давлат иштирокидаги ташкилотнинг мансабдор шахси ҳисобланган судланувчи Рустамов Сарвар Суванқулович билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, гарчанд, АТ «Aloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази ва «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси ўртасида 2018 йил 14 декабрда тузилган MAP-4-сонли кредит шартномага асосан ажратилган кредит маблағлари сўндирилмаган бўлсада, судланувчи С.Рустамов ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиали бошлиғи Т.Маматқуловнинг номидан нотариус номига 2020 йил 22 октябрдаги 38-08/577-сонли кредит қарздорлиги қисман қопланганлиги боис, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган фуқаро Расулов Жамшед Эргашқуловичга тегишли САРТИВА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили автомашинани гаровдан чиқариш мумкинлиги тўғрисида сохта хатни тайёрлаб, ушбу хатни судланувчи К.Сапаровга тақдим этиб, судланувчи К.Сапаров эса хатни Каттакўрғон шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус О.Ботировга тақдим этиб, ушбу автомашинани таққидан чиқаришга эришганлиги, шунингдек судланувчи С.Рустамов, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиали бошлиғи Т.Маматқуловнинг номидан нотариус номига 2021 йил 26 февралдаги 38-08/423-сонли кредит қарздорлиги қисман қопланганлиги боис, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган фуқаро Рўзиев Хамидулло Файзуллаевичга тегишли ЛАССЕТИ русумли, 30V 525 ТА давлат рақами



белгили авомашинани гаровдан чиқариш мумкинлиги тўғрисида сохта хатни тайёрлаб, ушбу хатни судланувчи К.Сапаровга тақдим этиб, судланувчи К.Сапаров ушбу хатни Каттакўрғон шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.Қурбоновга тақдим этиб, ушбу авомашинани тақикдан чиқаришга эришганлиги оқибатида, АТ «Аloqabank» Самарқанд филиали манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлишган.

Шу билан бирга, судланувчи Сапаров Кобул Камилович, «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 22-сонли қарори талабларига зид равишда Каттакўрғон туман Кумушкент маҳалласи худудидаги ер майдонига ўрнатилган қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати орқали юқори кучли элекстр тармоғига ноқонуний уланиб, 2021 йил 5 ноябрдан 2022 йил 6 май кунига қадар элекстр энергиясидан фойдаланиб келганлиги натижасида «Қорадарё» элекстр таъминоти корхонасига жами 147.400.000 сўмлик кўп миқдордаги зарар етказганлиги, 2022 йил 06 май куни ўтказилган текширишда аниқланган.

Шу каби, судланувчи Сапаров Кобул Камилович, «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрга «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаш-тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 306-сонли Қарори билан тасдиқланган «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг талабларига зид равишда, АТ «Аloqabank» Самарқанд худудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази ва «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси ўртасида 2018 йил 14 декабрда тузилган MAP-4-сонли кредит шартномага асосан ажратилган кредит маблағлари эвазига боқиш ва кўпайтириш мақсадида сотиб олинган 1.658.774.900 сўмлик 75 бош йирик шохли симментал зотли қорамоллардан 25 бошини 650.000.000 сўмга «Imkon Baraka Azizbek» ХК га кредит эвазига сотиб, пуллари кредитни сўндиришга йўналтириб, 2022 йил 14 июнь ҳолатига 1.322.504.600 сўм жуда кўп миқдордаги қийматдаги жами 115.000 Еврога тенг жами 50 бош симментал зотли қорамолларни нақд пулга сотиб, сотувдан тушган нақд пуллари назорат касса машинасидан ўтказмасдан ва банк муассасасига топширмасдан, банкдан ташқари ноқонуний нақд пул айланмасини амалга ошириб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини 1.322.504.600 сўмлик жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Натижада, судланувчи Сапаров Кобул Камилович, 2019-2022 йиллар давомида ушбу 1.658.774.900 сўмлик 75 бош йирик шохли симментал зотли қорамолларни сотган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019



йил 27 июлдаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-банди б-кичик банди (2019 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади, бунда, товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт) талабларини қўпол тарзда бузиб, жамиятнинг 2022 йил якунига кўра ушбу сотиб юборилган 1.658.774.900 сўмлик қорамолларнинг қийматидан белгиланган 15 фоиз солиқ ставкасида 248.816.200 сўмлик жуда кўп миқдордаги қўшилган қиймат солиғини яшириб, тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Бундан ташқари, судланувчи Сапаров Кобул Камилович, Нуробод туманидан рўйхатдан ўтган «Mashxura Malika Yulduzlari» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, АТ «Xalq banki» Нуробод филиали билан «Mashxura Malika Yulduzlari» хусусий корхонаси ўртасида 2019 йил 09 декабрда тузилган 48-сонли кредит шартномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 02 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сонли Қарорига асосан банкка жалб қилган маблағлар ҳисобидан 2 йил муддатга, 6 ой имтиёзли даврда, йиллик 24 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti билан майда шохли насли моллар сотиб олиш учун 1.000.000.000 сўм кредит маблағи ажратилиб, 2019 йил 3 декабрда «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ ва Қозоғистон Республикасида фаолият кўрсатувчи ИП «Бегметов» ўртасида 56-сонли 105.000 АҚШ доллари миқдорида импорт шартномаси тузилиб, 2019 йил 25 декабрда 104.166 АҚШ доллари ИП «Бегметов»нинг тегишли валюта ҳисоб рақамига кўчирилиб, жами 632 бош майда шохли насли моллар (қўйлар) олиб келиниб, судланувчи К.Сапаров қўйларни нақд пулга сотиб, 1.000.000.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги қийматга тенг бўлган АТ «Xalq banki» Нуробод филиали пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Сапаров Кобул Камилович, айбловга қисман иқрорлик билдириб, Каттақўрғон туманидан рўйхатдан ўтган «Muxammad Qobiljonovich» ХК раҳбари лавозимида ишлаши, корхонанинг иш фаолияти чорвачиликни ривожлантириш ҳамда аҳолига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб беришдан иборатлиги, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ-3283-сонли Қарорига асосан «Халқаро таррақиёт ассоциациясининг кредит линияси» ҳисобидан 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига асосан, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиалидан «Muxammad Qobiljonovich» хусусий корхонасига йирик шохли насли қорамоллар сотиб олиш учун 84 ой муддатга, 24 ой имтиёзли давр билан йиллик 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti асосида 199.483,20 АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилганлиги, кредит таъминоти сифатида 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кафиллик шартномасига асосан ўзи раҳбарлик



қилиб келаётган «Омонбой Дала Чорваси» фермер хўжалигининг кафилиги ҳамда 2018 йил 15 декабрдаги гаров ипотека шартномасига асосан ўзига тегишли Самарқанд вилоят Каттақўрғон туман, Кумушкент маҳалласи, Лублахур қишлоғида жойлашган омборхона биносини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 1.310.000.000 сўмга, фуқаро Махмудов Саиджон Олимжон ўғлига тегишли Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар, Дўстлик маҳалласи, Шавқий кўчасидаги савдо дўконини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 240.000.000 сўмга, фуқаро Махмудов Саиджон Олимжон ўғлига тегишли Каттақўрғон шаҳар, Арабхона маҳалласи, Ш.Рашидов кўчасидаги «Яшил бозор» худудида жойлашган савдо дўконини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 150.000.000 сўмга, фуқаро Расулов Жамшед Эргашқуловичга тегишли САРТИВА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили автомашинани 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 200.000.000 сўмга, фуқаро Дудиков Улуғбек Тиллоевичга тегишли МАЛИБУ-2 русумли, 30 U 229 RA давлат рақам белгили автомашинани 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 220.000.000 сўмга баҳолаб, гаровга қўйилганлиги, 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига 2020 йил 18 февралдаги 1-сонли қўшимча келишув шартномасига асосан фуқаро Дудиков Улуғбек Тиллоевичга тегишли МАЛИБУ-2 русумли, 30 U 229 RA давлат рақам белгили автомашинани гаровдан чиқариб, ўрнига фуқаро Расулов Улуғбек Бердиқуловичга тегишли ГБАСПГ Лабо русумли, 30 U 261 ОА давлат рақам белгили автомашинани, 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 52.000.000 сўмга баҳолаб, фуқаро Рўзиев Хамидулло Файзуллаевичга тегишли ЛАССЕТИ русумли, 30 V 525 ТА давлат рақам белгили автомашинани 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 103.000.000 сўмга ҳамда фуқаро Хаитов Алишер Иброхимовичга тегишли ГБАСПГ ЛАССЕТИ русумли, 30 W 455 DA давлат рақам белгили автомашинани 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 76.000.000 сўмга баҳолаб гаровга қўйилганлиги, банк томонидан кредит маблағи ҳисобидан Австрия давлатининг «AGRO BREEDING GmbH» корхонаси билан тузилган 2018 йил 6 августдаги 2018/96-сонли шартномага асосан 2019 йил 14 январда конвертация қилиш учун 199.483,20 АҚШ доллари пул маблағини корхонанинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилиб, ушбу маблағлар 2019 йил 14 январда 173.811,27 евро қийматида конвертация қилиниб, «AGRO BREEDING GmbH» корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги, 2019 йил 25 мартдаги Божхона юк декларациясига асосан 64 бош симментал зотли қорамоллар 2.300 Евродан, жами 147.200 Еврога сотиб олиб келинганлиги, орадан 5-6 ой вақт ўтиб, 2019 йил 16 сентябрдаги Божхона юк декларациясига асосан 11 бош симментал зотли қорамоллар 2.300 Евродан, жами 25.300 Еврога сотиб олиб келинганлиги, жами кредит эвазига сотиб олинган 75 бош симментал зотли йирик шохли қорамолларни парваришлаб келганлиги, кредит фоизларини ҳар ойда банкнинг «Мансур» исмли ходимида тўлаб келганлиги, 2020 йилнинг охирида молиявий аҳволим ёмонлашиб, кредитни тўлашга қийналиб қолганлиги, банкнинг кредит бўлими бошлиғи С.Рустамов уни чақириб, тезда кредитни ёпиши кераклигини, кредит муаммоли кредитга айланиб қолмаслигини кераклигини айтганлиги, С.Рустамовга ҳозирда



молиявий аҳволи ёмонлашганлигини, кредитни ёпиш учун пули йўқлигини, имкони бўлса, гаровга олинган транспорт воситаларининг биттасини тақикдан чиқаришини, транспорт воситасини сотиб, пулларини кредитни ёпишга йўналтиришини айтганлиги, С.Рустамов таклифига рози бўлиб, С.Рустамов 2020 йил 22 октябрда нотариусга хат бериб, фуқаро Расулов Жамшед Эргашкуловичга тегишли САРТИВА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили автомашинани гаровдан чиқариб, сотиб, пулларини кредитни ёпиш учун С.Рустамовга берганлиги, С.Рустамов кредит қарздорлигини ёпиш учун ушбу пулларни олиб кетганлиги, орадан 3-4 ой вақт ўтиб, 2021 йилнинг февраль ойларида С.Рустамов уяли телефонига кўғироқ қилиб, тезда кредит қарздорлигини ёпиши кераклигини, унга пул кераклигини айтганлиги, сўнгра С.Рустамов билан учрашиб гаплашганида, у биринчи транспорт воситасини пуллари кредит қарздорлигини ёпиш учун шу ойгача етганлигини, яна тўлов қилиш кераклигини айтганлиги, С.Рустамовга яна молиявий шароити ёмонлигини тушунтирганида, у иккинчи транспорт воситасини ҳам тақикдан чиқаришини айтиб, таклиф берганлиги, таклифига рози бўлганлиги, С.Рустамов 2021 йил 26 февралдаги хатига асосан фуқаро Рўзиев Хамидулло Файзуллаевичга тегишли ЛАССЕТИ русумли, 30 V 525 ТА давлат рақам белгили автомашинани ҳам гаровдан чиқарганлиги, ушбу транспорт воситасини ҳам сотиб, пулларини кредит қарздорлигини ёпиш учун С.Рустамовга берганлиги, 2021 йил 23 апрелда жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман суди томонидан озодликдан маҳрум қилиниб, 2021 йил 17 июнга қадар, яъни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси томонидан озодликка чиққунига қадар яна кредит қарздорлиги вужудга келиб, кредит муаммоли кредитга айланганлиги, банк ходимлари яшаш уйига келиб, кредитни ёпишини айтгандан кейин, банк ходимларига кредит қарздорлигини ёпиш учун С.Рустамовга пулларни берганлигини, ҳозирги кунда кредит қарздорлигини ёпиш имконияти йўқлигини айтганида, банк ходимлари унга 7-8 ойдан буён кредит қарздорлиги мавжудлигини, бугунги кунга қадар бирон сўм пул топширмаганлигини айтишганлиги, уларга кредит бўлими бошлиғи С.Рустамовга пулларни берганлигини, С.Рустамовдан сўраса, ҳаммасини тушунтириб беришини айтганлиги, С.Рустамов билан учрашиб, ундан кредити 7-8 ойдан буён тўланмаганлигини сабабини сўраганида, С.Рустамов уйини сотувга қўйганлигини, сотиб кредит қарздорлигини ёпишини, ундан олган пулларни қисман тўлаб, қолган қисмини бошқа фуқароларни муаммоли кредитларини ёпиш учун ишлатганлигини айтганлиги, банкнинг «Мансур» ва «Бегзод» исмли ходимларига бугунги кунда кредитни ёпишга имконияти йўқлигини, кредит эвазига сотиб олинган симментал зотли қорамолларни бозорда арзон нархда олишини, зарар кўришини айтганида, банкнинг «Мансур» ва «Бегзод» исмли ходимлари унга симментал зотли қорамолларни сотмоқчи бўлса, улар харидор топиб беришларини айтишганлиги, таклифига рози бўлганлиги, орадан икки кун вақт ўтиб, банкнинг «Мансур» ва «Бегзод» исмли ходимлари ҳамда Хусниддин исмли харидор бир шахс билан келиб, симментал зотли қорамолларни кўриб, ҳар бир қорамолни 26.000.000 сўмга келишиб, жами 30 дона симментал зотли қорамолларни шартнома асосида сотиб олганлиги, қолган симментал зотли қорамолларни ҳам бошқа фуқароларга сотиб



юборганлиги, ҳозирда кредит эвазига сотиб олинган симментал зотли қорамолларни бирортаси мавжуд эмаслиги, шунингдек, 2019 йилдан Нуробод туманидан рўйхатдан ўтган «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖнинг раҳбари сифатида фаолият юритиши, тадбиркорлигини ривожлантириш учун 2019 йил 9 декабрь куни АТ «Xalq banki» Нуробод филиалига кредит олиш учун мурожаат қилиб, 2019 йил 09 декабрдаги 48-сонли шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 02 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сонли қарорига асосан банк жалб қилган маблағлар ҳисобидан, йиллик 24 фоиз устама ҳақи белгилаб, 2 йил муддатга, 6 ой имтиёзли давр билан майда шохли насли чорва моллари сотиб олиш учун 1.000.000.000 сўмлик кредит маблағи ажратилганлиги, гаров таъминоти сифатида «Самарқанд Идеал Сервис» МЧЖнинг 2019 йил 27 мартдаги 147/03-2019-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 2.328.524.000 сўмга баҳоланган Каттакўрғон тумани «Омонбой» МФЙда яшовчи онаси Сапарова Каромат Кудратовнага тегишли молхона биносини гаровга қўйганлиги, АТ «Xalq banki» Нуробод филиали томонидан 2019 йил 9 декабрда филиал бошқарувчиси Б.Сапаров, кредит комиссияси аъзолари Ш.Санакулов, З.Холбозоров, А.Арзикулов, Ж.Хўжаниязов ва иккинчи томон ўзи томонидан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан оладиган 1.000.000.000 сўм кредитнинг таъминоти сифатида онаси К.Сапаровага тегишли молхона биноси ўзаро келишув далолатномасига асосан 1.250.000.000 сўмга баҳоланганлиги, банк томонидан кредит маблағлари ажратилгандан сўнг, майда шохли чорва молларни сотиб олиш учун Қозоғистон Республикасида фаолият олиб борувчи ИП «Бегметов» корхонаси билан шартнома тузиб, 645 бош майда шохли чорва молларни Каттакўрғон тумани, Янгиҳаёт массивига олиб келиб, парваришлаб, анча вақт боқиб келганлиги, 2021 йилнинг ўрталарида муаммолари, яъни 2021 йил 23 апрелда жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман суди томонидан озодликдан маҳрум қилиниб, 2021 йил 17 июнга қадар, яъни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси томонидан озодликка чиққунига қадар уйда бўлмаган вақтида, банк ходимлари уйига келиб, оила аъзолари билан учрашиб, банкдан олинган кредитни тезроқ тўлашини, кредит қарздорлиги вужудга келганлигини, агарда кредитни ўз вақтида тўламаса, унга муаммо бўлишини оила аъзоларига айтиб кетишган эканлиги, 2021 йилнинг ўрталарида кредитни ёпиш учун банк бошқарувчиси Б.Сапаровнинг олдида борганида, у банкнинг миждозлари бўлган бир неча таъминотчи корхоналар 30.000.000 сўмлик кредитлар учун, майда шохли молларни ундан сотиб олишини, фақат ўзи айтган одамларга сотиб беришини айтганлиги, Б.Сапаров билан кредит эвазига сотиб олинган майда шохли молларни сотишга келишганлиги, бир неча кун вақт ўтиб Б.Сапаров бир неча фуқароларни олиб келиб, қўйларни кўрсатганлиги, Б.Сапаров олиб келган фуқаролар қўйларини кўриб, сотиб олишга рози бўлганлиги, ҳар бир бош қўйни тирик вазнда ўлчаб, сотишга келишганлиги, 3-4 кунда жами 572.000.000 сўмга кредит эвазига Қозоғистон Республикасидан олиб келинган насли майда шохли чорва молларни сотганлиги, лекин мазкур фуқароларнинг бирортасидан пул олмаганлиги, пулларни банк бошқарувчиси Б.Сапаров тахминан 300.000.000



сўм атрофида кредитларини ёпганлиги, сабаби ўзи, банк бошқарувчиси Б.Сапаров билан олдин гаплашганида, у агар қўйларини у айтган одамларга сотса, уларнинг пулига кредитларини ёпишини айтган бўлганлиги, шунингдек, 2022 йил 06 май куни Каттакўрғон туман Электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан ўтказилган текширишда «Muxammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келган вақтида, Каттакўрғон туман, Кумушкент маҳалласи ҳудудидаги ер майдонига ўрнатилган қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати орқали юқори кучланишли электр тармоғига уланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 22-сонли қарори талабларига зид равишда электр энергиясидан фойдаланиб келинганлиги ҳақида маълумотга эга эмаслиги, чунки, 2021 йил ноябрь ойларида «Кенжа бобо» фермер хўжалигига тегиш ер ҳудуди билан биргаликда шу ҳудудда ўрнатилган 55 кВт насос агрегати билан биргаликда ҳоким қарори чиқарилганлиги, унга ер майдони фойдаланишга топширилган вақтда куз ва қиш фасли бўлганлиги сабабли, сув насосидан фойдаланилмаганлиги, чунки, бир йил давомида 2022 йил ноябрь ойига қадар гидродренаж ишлари олиб борганлиги, 2022 йил ноябрь ойларида буғдой экканлиги, буғдойни суғоришда табиий ёмғир сувларидан фойдаланганлиги, сув насосидан фойдаланишга эҳтиёжи бўлмаганлиги, шунингдек, «Muxammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари сифатида жамиятни бошқариб, 2019 йилда боқиш ва кўпайтириш мақсадида импортга олинган 75 бош 1.658.374.900 сўмлик симментал зотли йирик шохли қорамолларни 2020-2022 йиллар давомида сотиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июлдаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-банди б-кичик бандида «2019 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланиши, бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт»-деб қатъий белгилаб қўйилган бўлсада жамиятнинг, 2022 йил якунига кўра импортга олиб келинган ва сотиб юборилган 1.658.374.900 сўмлик маҳсулотлар қийматидан белгиланган 15 фоиз солиқ ставкасида 248.816.200 сўмлик қўшилган қиймат солиғини ДСИга топширган солиқ ҳисоботларида бухгалтерия ишига тушунмаганлиги сабабли кўрсатмасдан қолдирганлиги, лекин текширишда аниқланган солиқ туловларини яшириб, тўлашдан қасддан бўйин товламаганлиги, қонуний енгиллик беришни, кечирим сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Рустамов Сарвар Суванқулович, айбловга қисман иқрорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ-3283-сонли Қарорига асосан «Халқаро таррақиёт асосатциясининг кредит линияси» ҳисобидан 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига асосан, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиали томонидан «Muxammad Qobiljonovich» ХКга йирик шохли қорамоллар сотиб олиш учун 84 ой муддатга, 24 ой имтиёзли давр билан



йиллик 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шарти асосида 199.483,20 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилганлиги, кредит таъминоти сифатида 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кафилик шартномасига асосан «Омонбой Дала Чорваси» фермер хўжалигининг кафилиги ҳамда 2018 йил 15 декабрдаги гаров ипотека шартномасига асосан гаровга қўйувчилар К.Сапаровга тегишли Каттақўрғон тумани, Кумушкент маҳалласи, Лублахур қишлоғида жойлашган омборхона биноси, 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 1.310.000.000 сўмга, фуқаро Махмудов Саиджон Олимжон ўғлига тегишли Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар, Дўстлик маҳалласи, Шавқий кўчасидаги савдо дўконини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 240.000.000 сўмга, фуқаро Махмудов Саиджон Олимжон ўғлига тегишли Каттақўрғон шаҳар, Арабхона маҳалласи, Ш.Рашидов кўчасидаги «Яшил бозор» худудида жойлашган савдо дўконини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 150.000.000 сўмга, фуқаро Расулов Жамшед Эргашкуловичга тегишли САРТИВА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили автомашинани 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 200.000.000 сўмга, фуқаро Дудиков Улуғбек Тиллоевичга тегишли МАЛИБУ-2 русумли, 30 U 229 RA давлат рақам белгили автомашинани 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 220.000.000 сўмга баҳолаб, гаровга қўйилганлиги, 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига 2020 йил 18 февралдаги 1-сонли қўшимча келишув шартномасига асосан фуқаро Дудиков Улуғбек Тиллоевичга тегишли МАЛИБУ-2 русумли, 30 U 229 RA давлат рақам белгили автомашинани гаровдан чиқариб, ўрнига фуқаро Расулов Улуғбек Бердикуловичга тегишли ГБАСПГ Лабо русумли, 30 U 261 ОА давлат рақам белгили автомашинани, 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 52.000.000 сўмга баҳолаб, фуқаро Рўзиев Хамидулло Файзуллаевичга тегишли ЛАССЕТИ русумли, 30 V 525 ТА давлат рақам белгили автомашинани 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 103.000.000 сўмга ҳамда фуқаро Хаитов Алишер Иброхимовичга тегишли ГБАСПГ ЛАССЕТИ русумли, 30 W 455 DA давлат рақам белгили автомашинани 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 76.000.000 сўмга баҳолаб гаровга қўйилганлиги, «Мухаммад Qobiljonovich» ХК раҳбари К.Сапаров кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланиб, шартнома шартларини қўпол равишда бузиб, кредит қарздорлигини тўламасдан келганлиги, «Мухаммад Qobiljonovich» ХК раҳбари Сапаров Кобул Камилович кредит шартномасида белгиланган ушбу кредитни қайтариш графигига риоя қилмасдан келганлиги ҳамда кредитга олинган йирик шохли насли қорамолларни сотиб юборганлиги натижасида, 152.500 АҚШ доллари асосий кредит қарзи, 7.437 АҚШ доллари фоиз қарздорлиги, жами 159.937 АҚШ доллари қарздорлиги юзага келган бўлиб, ушбу қарздорликни қайтариш тўғрисида банк томонидан қарздор бир неча мартаба ёзма ва оғзаки равишда огоҳлантиришига қарамасдан, муддати ўтган кредит қарздорлигини банкка қайтармасдан келганлиги, 2022 йил 21 сентябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг қарори билан кредит шартномаси бекор қилинганлиги, «Мухаммад Qobiljonovich» ХК раҳбари Сапаров Кобул Камиловичда 157.217 АҚШ доллари ундириш белгиланганлиги, ҳақиқатан ҳам АТ «Алоқа банк» Самарқанд филиалининг



кредит бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган вақтида, кредитни маълум бир қисми ёпилганлиги учун, Расулов Жамшед Эргашкуловичга тегишли САРТИВА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили ва Рўзиев Хамидулло Файзуллаевичга тегишли ЛАССЕТИ русумли, 30V 525 ТА давлат рақами белгили автомашиналарни таққдан чиқариш тўғрисида нотариусга хатни ёзиб, тегишли тартибда расмийлаштириб, банкнинг думалоқ муҳри билан тасдиқлаб берганлиги, мазкур хатларни берганига анча бўлганлиги сабабли, хатларни қайси қонун ҳужжати асосида чиқариб берганлигини эслаш олмаслиги, рўйхатга олишда техник хатолик бўлган бўлиши мумкинлиги, ҳақиқатда Каттакўрғон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.Қурбоновга 2020 йил 22 октябрь кунги 38-08/577-сонли, 2021 йил 26 февраль кунги 38-08/423-сонли берилган хатлардаги имзо унга тегишли эканлиги, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиалида ишлаган даврида, ҳақиқатан ҳам К.Сапаров раҳарлик қилиб келган «Muhammad Qobiljonovich» ХКга йирик шохли қорамоллар сотиб олиш учун 84 ой муддатга, 24 ой имтиёзли давр билан йиллик 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti асосида 199.483,20 АҚШ доллари ажратилган кредит малағларининг устама ва асосий қарзини қоплатиш учун К.Сапаровни чақариб, кредитнинг асосий қарзини ёпишини, кредит муаммоли кредитга айланиб қолмаслигини, кредитни устама ва асосий қарзини ойма-ой график асосида тулаб боришини айтганлиги, К.Сапаров банкдан олинган кредитни устама ва асосий қарзини ойма-ой график асосида муддатида тўлаб бориши учун пули йўқлигини, агарда имкони бўлса гаровга олинган транспорт воситаларининг биттасини таққдан чиқаришга ёрдам беришини, таққдан автомашиналарни чиқарса, сотиб пулларини тўлиқ кредитни ёпишга йўналтиришини унга таклиф қилганида, кредитнинг устама ва асосий қарзи тўланишини ўйлаб, К.Сапаровнинг таклифига рози бўлиб, нотариусга гаровга қуйилган транспорт воситаларини таққдан чиқариш ҳақида ўзи хат берганлиги, қонуний енгиллик беришни, кечирим сўраб кўрсатув берди.

Судланувчилар Сапаров Кобул Камилович ҳамда Рустамов Сарвар Суванкуловичнинг айблари, гарчанд судда айбларига қисман иқрорлик билдириб кўрсатув беришган бўлсаларда, уларнинг айблари судда сўралган фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топди. Жумладан,

-фуқаровий даъвогар Ахатов Муроджон Собировичнинг, судланувчи Сапаров Кобул Камилович, Каттакўрғон туманидан рўйхатдан ўтган «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3283-сонли Қарори ҳамда «Халқаро тарраққиёт ассоциациясининг кредит линияси» ҳисобидан 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига асосан, АТ «Aloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази томонидан, «Muhammad Qobiljonovich» ХКга Чет давлатдан йирик шохли симментал зотли қорамоллар сотиб олиш учун 84 ой муддатга, 24 ой имтиёзли давр билан йиллик 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti асосида 199.483,20 (бир юз



тўқсон тўққиз минг тўрт юз саксон уч) АҚШ доллари 20 цент миқдорида кредит маблағини ажратишга эришиб, мазкур кредит маблағини «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонасига кредит маблағи ҳисобидан Австрия давлатининг «AGRO BREEDING GmbH» корхонаси билан тузилган 2018 йил 6 августдаги 2018/96-сонли шартномага асосан 2019 йил 14 январда конвертация қилиш учун 199.483,20 АҚШ долларидаги маблағ корхонанинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилиб, ушбу маблағлар 2019 йил 14 январда 173.811,27 евро қийматида конвертация қилиниб, «AGRO BREEDING GmbH» корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказилиб, ҳар бир боши 2.300 Евродан бўлган, жами 75 бош симментал зотли қорамолларни, жами 172.500 Еврога сотиб олиб, ушбу кредит эвазига сотиб олинган симментал зотли қорамолларни қайтадан сотиб юбориб, сотишдан тушган нақд пулларни кредитни қоплаш учун банкка топширмасдан, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги 152.500 (бир юз эллик икки минг беш юз) АҚШ доллари (сўмдаги эквиваленти 1.650.050.000 сўм) қийматидаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланганлиги, ҳозирда кредитнинг асосий қарзи 18.104,50 АҚШ долларини (сўм эквивалентида 219.100.659 сўмни ташкил этади), кредитнинг фоизи 15.404,70 АҚШ долларини (сўм эквивалентида 186.427.679 сўм 40 тийинни ташкил этади), кредитнинг ҳисобланган пеняси 293,71 АҚШ долларини (сўм эквивалентида 3.554.478 сўм 42 тийинни ташкил этади) ташкил этиши, гаровга қўйилган бино ва Ласетти русумли автомашина банк балансига олиниши қутилаётганлиги боис, К.Сапаровга банкнинг олинган кредитнинг асосий қарзига нисбатан эътирози йўқлиги ҳақидаги;

-фуқаровий даъвогар Файзуллаев Шохрух Нурали ўғлининг, АТ «Халқ банки» Нуробод филиалида «Кичик бизнес бўлими» бошлиғи лавозимида ишлаши, судланувчи Сапаров Кобул Камилович, Нуробод туманидан рўйхатдан ўтган «Mashxura Malika Yulduzlari» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, 2019 йил 09 декабрдаги 48-сонли кредит шартномасига асосан, АТ «Xalq banki» Нуробод филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 02 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сонли Қарорига асосан банкка жалб қилган маблағлар ҳисобидан йиллик 24 фоиз устама ҳақи белгилаб, 2 йил муддатга, 6 ой имтиёзли давр билан майда шохли насли моллар сотиб олиш учун 1.000.000.000 (бир миллиард) сўм кредит маблағи олиб, олинган кредит маблағларини белгиланган мақсадда фойдаланмасдан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги, ҳозирда кредитнинг асосий қарздан 253.586.000 сўм ҳамда кредит фоизларидан 87.000.000 сўм, жами 340.586.000 сўмлик қарздорлиги мавжуд бўлиб, судланувчи К.Сапаровдан кредитнинг асосий қарзи ва фоизларини ундириб беришни сўраши ҳақидаги;

-фуқаровий даъвогар Қобилов Ойбек Қобил ўғлининг, «Қорадарё» ЭТК ходимлари Т.Тошев, Ю.Нагматов, Б.Махмудов, С.Намазов ва холислар иштирокида Каттақўрғон туманидаги Кумушкент МФЙ ҳудудида жойлашган «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонида қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати кўздан кечирилганида, мазкур сув насос агрегати юқори кучланишли электр тармоғига уланган



трансформатор орқали электр ҳисоблагичсиз ноқонуний уланганлик ҳолати аниқланиб, «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» АЖга тегишли 18214690-сонли рақамли қатъий ҳисобда турувчи далолатнома тўлдирилганлиги, ушбу текшириш ҳужжатлари билан танишиб, корхонанинг Электр назорат бўлими ходимларига мазкур фермер хўжалигининг ноқонуний фалияти бўйича корхонага етказилган ҳақиқий зарарни ҳисоб-китоб қилиб, ҳисоблаб бериш бўйича оғзаки кўрсатма берганлиги, бўлим ходимлари оғзаки топшириғи ижросини таъминламаганлиги ва тўпланган ҳужжатлар иш юритувида ўрганилмасдан, қонуний чора кўрилиши таъминланмасдан, қолиб кетган бўлганлиги, бу ҳақида «Қорадарё» ЭТК раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсларига тегишли тартибда маълум қилмаганлиги, аслида ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатларни корхона раҳбарига тақдим қилиши ва раҳбарнинг тегишли кўрсатмасига асосан, тўпланган ҳужжатларни ижрочига, яъни корхонанинг Электр назорат бўлимига юклатилиши лозим бўлганлиги, масъулиятсизлиги ва эътиборсизлиги сабабли, ушбу ҳаракатлар олиб борилмасдан қолиб кетганлиги, 2022 йил сентябрь ойида «Қорадарё» ЭТК Энерго сотиш бўлими бошлиғи лавозимига О.Тўхтаев тайинланганидан сўнг, ушбу ҳужжатларни унга тақдим қилиб, фермер хўжалиги томонидан етказилган ҳақиқий зарар суммасини ҳисоблаб беришини сўраганлиги, ушбу ҳужжатлар бўйича ҳисоб-китоб ишларини корхонанинг ҳисобчиси ва ОРК мутахассиси томонидан қилиниши кераклигини айтганлиги, сўнг ҳужжатларни корхонанинг ҳисобчиси С.Қиличевга тақдим қилганлиги, С.Қиличев, ОРК мутахассиси Ж.Алимов ҳамда тадбир иштирокчилари томонидан аниқланган ҳолат бўйича қайта ҳисоб-китоб ишлари кўриб чиқилганида, «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонида қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати юқори кучланишли электр тармоғига уланган трансформатор орқали ҳисоблагичсиз ноқонуний уланганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Қарорига асосан «Қорадарё» электр таъминоти корхонасига жами 147.400.000 сўмлик кўп миқдордаги зарар етказганлиги аниқланганлиги, зарар суммаси жами 182 кунга, яъни 2021 йил 5 ноябрдан 2022 йил 6 май кунига ҳисобланганлиги, ҳақиқатан ҳам «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалиги раҳбари К.Сапаров фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонида қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати юқори кучланишли электр тармоғига уланган трансформатор орқали ҳисоблагичсиз ноқонуний уланганлиги ҳолати тўғри ва бу аниқланган ҳолат бўйича тадбир иштирокчилари томонидан тўлиқ расмийлаштириш ишлари олиб борилган бўлиб, тўпланган ҳужжатларга видеотасвир ва фотосуратлар илова қилинганлиги, чунки «Қорадарё» ЭТК масъул ходимлари томонидан 2021 йил 5 ноябрь куни «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигидаги трансформатор кўриқдан ўтказилиб, тегишли далолатнома тузилганлиги, қайта ҳисоб-китоб далолатномасида экин майдонлари суғорилмайдиган даври яъни, декабрь-март ойлари инобатга олинмаганлиги, чунки, Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»нинг 117-бандида ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорининг қиймати ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан Бюро билан биргаликда энергия таъминоти шартномасида кўрсатилган



истеъмолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича электр энергиясини ҳисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (бўлмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилганда ва ҳисобга олишни назорат қилиш асбобларидан ташқари электр қабул қилгичлар кўз билан аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари, переключателлар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланганда — электр энергияни ҳисобга олишнинг назорат асбоблари охириги алмаштирилган ёки уланиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда, электр энергиясини ҳисобга олиш приборига истеъмолчининг айби билан зарар етказилганда (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатлар) ёки электр энергияси айланиб чиқишда кўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошқа усулда ўғирланган тақдирда — охириги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилиши белгиланганлиги, «Қорадарё» ЭТК ходимлари томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳужжатлар бўйича далолатномада кўрсатилган ер майдони ва сув насос агрегати ўша вақтида К.Сапаров раҳбарлик қилиб келаётган «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонасига тегишли эканлиги ҳақида улар ҳам ўзи ҳам билмаганлиги, сабаби мазкур экин ер майдони «Қорадарё» электр таъминоти корхонаси базасида айнан «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдони эканлиги ҳақида кўрсатилганлиги, аслида «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалиги тугатилиб, давлат реестридан чиқиб кетганлигидан хабари бўлмаганлиги, К.Сапаров ёки бошқа мутасадди ташкилот бу ҳақида маълум қилмаганлиги, К.Сапаровдан «Қорадарё» электр таъминоти корхонасига жами 147.400.000 сўмлик етказилган зарар суммасини ундиришни сўраши ҳақидаги;

-фукаровий даъвогар Суяров Хусан Казаковичнинг, судланувчи К.Сапаров «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари сифатида жамиятни бошқариб келиб, 2019 йилда боқиш ва қўпайтириш мақсадида импортга олинган 1.658.774.900 сўмлик йирик шохли симментал зотли қорамолларни 2019-2022 йиллар давомида сотиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июлдаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-банди б-кичик бандида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Бунда, товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт»-деб қатъий белгилаб қўйилган бўлсада жамиятнинг 2022 йил якунига кўра импортга олиб келинган ва сотиб юборилган 1.658.774.900 сўмлик маҳсулотлар қийматидан белгиланган 15 фоиз солиқ ставкасида 248.816.200 сўмлик қўшилган қиймат солиғини яшириб, тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги, бугунги кунда айбдор томонидан 248.816.200 сўмлик етказилган моддий зарарни коплашида амалий ёрдам сўраши ҳақидаги;



-гувоҳ Ботиров Озод Комилжоновичнинг, Каттакўрғон шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуси лавозимида ишлаши, Каттакўрғон туманида рўйхатдан ўтган «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари Сапаров Кобул Камиллович Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3283-сонли Қарори ҳамда «Халқаро таррақиёт ассоциациясининг кредит линияси» ҳисобидан 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига асосан, АТ «Аloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази томонидан, «Muhammad Qobiljonovich» ХКга чет давлатдан йирик шохли симментал зотли қорамоллар сотиб олиш учун 84 ой муддатга, 24 ой имтиёзли давр билан йиллик 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti асосида 199.483,20 АҚШ доллари миқдорида кредит маблағини кредит таъминоти тариқасида, Рўзиев Ҳамидулло Файзуллаевичга тегишли, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган Ласетти русумли, давлат рақам белгиси 30 V 525 ТА бўлган транспорт воситасини ва Расулов Жамшед Эргашкуловичга тегишли Каптива русумли, давлат рақам белгиси 30 K 899 ОА бўлган транспорт воситаси Каттакўрғон шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуси А.Қурбонов томонидан тақиққа қўйилганлиги, кейинчалик, Сапаров Кобул Камиллович томонидан олинган кредит қарздорлигининг бир қисми сўндирилганлиги сабабли, ушбу автомашиналарни тақиқдан чиқариш тўғрисида АТ «Аloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази томонидан Расулов Жамшед Эргашкуловичга тегишли Каптива русумли, давлат рақам белгиси 30 K 899 ОА бўлган транспорт воситасини тақиқдан чиқариш тўғрисидаги 2020 йил 22 октябрдаги 38-08/577-сонли хатига асосан ҳамда Рўзиев Ҳамидулло Файзуллаевичга тегишли, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган Ласетти русумли, давлат рақам белгиси 30 V 525 ТА бўлган транспорт воситасини тақиқдан чиқариш тўғрисидаги 2021 йил 26 февралдаги 38-08/423-сонли хатига асосан Каттакўрғон шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуси А.Қурбонов томонидан тақиқдан чиқарилганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Мирзабеков Атабек Алибековичнинг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Самарқанд вилоят Нуробод туман бўлимининг «Хизмат текшируви тайинлаш тўғрисида»ги 2022 йил 12 октябрдаги 7/141-22-сонли хатига асосан, бошқарув раиси ўринбосарининг Фармойишига асосан ишчи гуруҳ зиммасига мазкур хизмат текширувида келтирилган ҳолатларни тўлиқ ўрганиш, ўтказилган текширув натижалари юзасидан маълумот тайёрлаш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилганлиги, хизмат текшируви Самарқанд ХҚХКМ томонидан «Muhammad Qobiljonovich» ХКга ажратилган кредит йиғмажилдидаги мавжуд ҳужжатлар бўйича ҳамда бошқа тақдим этилган ҳужжатлар кредит маблағлари ажратилишининг қонунийлиги, кредитлаш жараёнида ва ундан кейин кредит бўлими масъул ходимларининг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо бериш юзасидан ўрганиб чиқилганлиги, хизмат текшируви давомида миждоз томонидан 2018 йил 12 декабрдаги 6-сонли аризасига асосан чорвачилик



фаолиятини амалга ошириш ва корхона фаолиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ-3283-сонли Қарорига асосан, «Халқаро тараққиёт ассоциясининг кредит линияси» ҳисобидан йирик шохли қорамол сотиб олиш мақсадида 7 йил муддатга, кредит асосий қарзидан 24 ой имтиёзли давр асосида 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti билан 199.483,20 АҚШ доллари миқдорида кредит сўраб мурожаат қилганлиги, кредит олиш учун банкка бизнес режа, «Muxammad Qobiljonovich» ХК гувоҳномаси, «Muxammad Qobiljonovich» ХК низоми, «Muxammad Qobiljonovich» ХК таъсисчиси Сапаров Кобилжон Камиловичнинг паспорт нусхаси, «Muxammad Qobiljonovich» ХКнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги тўғрисида маълумот, таъсисчининг кредит олиш бўйича қарори, кафил ташкилот «Омонбой Дала Чорваси» фермер хўжалигининг Низоми, кафил бўлишга «Омонбой Дала Чорваси» фермер хўжалиги таъсисчининг қарори, «Muxammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси ва банк ўртасида тузилган 2018 йил 14 декабрдаги MAR-4-сонли кредит шартномасига асосан ажратилган кредит маблағлари 2019 йил 14 январдаги 1-сонли тўлов топшириқномаси билан 2018 йил 6 августдаги 2018/96-сонли контрактга асосан конвертация қилиш учун 199.483,20 АҚШ доллари миқдорининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги ҳамда шу кунинг ўзида 173.811,27 евро қийматида конвертация қилиниб, «Agro Breeding GmbH» корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги, ўтказилган маблағ ҳисобига «Agro Breeding GmbH» корхонаси томонидан иккита Божхона юк декларацияларига асосан ҳар бири 2.300 евро бўлган жами 75 бош йирик шохли симментал зотли қорамоллар учун 172.500 евро миқдорида пул маблағи ўтказилган бўлиб, ўртадаги фарқ суммаси миқдорининг аризасига асосан 1.296,27 евро пул маблағлари миқдорининг асосий ҳисоб рақамига қайтарилганлиги (15 евро SWIFT харажатлари ҳисобига олинган), 2019 йил 15 апрелда мазкур кредит йиғма жилдига масъул банк ходими М.Худойбердиев ва «Muxammad Qobiljonovich» ХК раҳбари К.Сапаровлар ўртасида 2019 йил 25 мартдаги Божхона юк декларацияси билан 64 бош йирик шохли қорамолларнинг ҳар бирини 2.300 Евродан, жами 147.200 Еврога сотиб олинганлиги, 2019 йил 25 сентябрь куни 2019 йил 16 сентябрдаги Божхона юк декларацияси билан 11 бош йирик шохли қорамолларнинг ҳар бирини 2.300 Евродан, жами 25.300 Еврога сотиб олинганлиги юзасидан мониторинг далолатномаси расмийлаштирилганлиги ҳамда ушбу далолатномага сотиб олинган зотли қорамоллар Каттакўрғон тумани Лўблахур қишлоғида жойлашган корхона раҳбарига тегишли молхонасида жойлашганлиги ва боқиладиганлиги, кредитнинг мақсадли ишлатилганлиги ва кредит таъминоти сифатида гаровга қуйилган кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг ҳолатлари ўрганилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилганлиги, ажратилган кредит бўйича муддати ўтган қарздорликлар вужудга келганлиги ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида банк томонидан «Muxammad Qobiljonovich» ХК раҳбари, гаровга қўйилган кўчар ва кўчмас мулкларнинг эгаларига 2021 йил 09 июнда 38-08/1256-сонли ва 2021 йил 29 июнда 38-08/1630-сонли огоҳлантириш хатлари берилганлиги, 2022 йил 14 июнь куни АТ «Aloqabank» Самарқанд ҲКХКМ директори Т.Маматкулов, Корпоратив бизнес бўйича директор ўринбосари З.Ачилов ва «Muxammad Qobiljonovich» ХК раҳбари К.Сапаровлар иштирокида кредит



маблағи мақсадли ишлатилишини мониторинг қилиши бўйича далолатнома тузилган бўлиб, унга асосан 2021 йил учун кредит маблағларини ўз вақтида сўндира олмаганлиги сабабли, «Imkon Baraka Azizbek» ХКга 25 бош симментал зотли қорамоллар жами 650.000.000 сўмга сотилганлиги ва барча тушган пул маблағлари муаммоли кредитнинг қолдиғини сўндиришга қаратилганлиги ҳамда ҳозирги кунда «Muxammad Qobiljonovich» ХКга тегишли чорва фермасида бўлган симментал зотли қорамоллар миқдор томонидан сотиб юборилганлиги ва чорва молларини сотувидаги тушган пул маблағларини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборилганлиги аниқланганлиги, кредит шартномаси бўйича таъминот сифатида «Омонбой Дала Чорваси» фермер хўжалигининг кафилигидан ташқари, 2018 йил 15 декабрдаги гаров ипотека шартномасига асосан К.Сапаровга тегишли Самарқанд вилоят Каттақўрғон туман, Қумушкент маҳалласи, Лублахур қишлоғида жойлашган омборхона биносини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 1.310.000.000 сўмга, фуқаро Махмудов Саиджон Олимжон ўғлига тегишли Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар, Дўстлик маҳалласи, Шавқий кўчасидаги савдо дўконини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 240.000.000 сўмга, фуқаро Махмудов Саиджон Олимжон ўғлига тегишли Каттақўрғон шаҳар, Арабхона маҳалласи, Ш.Рашидов кўчасидаги «Яшил бозор» худудида жойлашган савдо дўконини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 150.000.000 сўмга, фуқаро Расулов Жамшед Эргашкуловичга тегишли САРТИВА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили автомобилани 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 200.000.000 сўмга, фуқаро Дудиков Улуғбек Тиллоевичга тегишли МАЛИБУ-2 русумли, 30 U 229 RA давлат рақам белгили автомобилани 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 220.000.000 сўмга баҳолаб, гаровга қўйилганлиги, 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига 2020 йил 18 февралдаги 1-сонли қўшимча келишув шартномасига асосан фуқаро Дудиков Улуғбек Тиллоевичга тегишли МАЛИБУ-2 русумли, 30 U 229 RA давлат рақам белгили автомобилани гаровдан чиқариб, ўрнига фуқаро Расулов Улуғбек Бердикуловичга тегишли ГБАСПГ Лабо русумли, 30 U 261 ОА давлат рақам белгили автомобилани, 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 52.000.000 сўмга баҳолаб, фуқаро Рўзиев Хамидулло Файзуллаевичга тегишли ЛАССЕТИ русумли, 30 V 525 ТА давлат рақам белгили автомобилани 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 103.000.000 сўмга ҳамда фуқаро Хаитов Алишер Иброхимовичга тегишли ГБАСПГ ЛАССЕТИ русумли, 30 W 455 DA давлат рақам белгили автомобилани 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 76.000.000 сўмга баҳолаб гаровга қўйилганлиги, банк кредит бўлими ходимлари томонидан миқдорга ажратилган кредит бўйича даврий мониторинг, яъни қарздорнинг ва кафил ташкилот «Омонбой Дала Чорваси» МЧЖнинг молиявий ҳолатлари, гаров таъминоти сифатида қабул қилинган кўчмас мулкларнинг бутлиги, ҳолати ва етарлилиги бўйича чораклик мониторинг ишлари олиб борилмаган. «Muxammad Qobiljonovich» хусусий корхонасига билан тузилган 14.12.2018 йилдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига асосан ажратилган кредит маблағларидан бугунги кунгача асосий қарздорлигидан жами 46.983,20 АҚШ доллари сўндирилган бўлиб, бугунги кундаги кредитдан



қарздорлиги асосий таънидан 152.500 АҚШ доллари, кредит фоизидан 4.717,56 АҚШ доллари, жами 157.217,56 АҚШ долларини ташкил этиши, қарздорликни ундириш мақсадида ҳамда мижоз ўз мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли, банк томонидан суд органларига даъво ариза билан мурожаат қилинганлиги ҳамда ФИБ Каттақўрғон туманлараро судининг 2022 йил 21 сентябрдаги Ҳал қилув қарорига асосан кредит шартномаси бўйича кредит қарздорлигини ундириш муддатидан олдин ундириш ва ундирувни гаровга олинган мол-мулкларга қаратиш белгиланганлиги, банк Кредит комиссиясининг 2020 йил 18 февралдаги 7-сонли мажлис баёнига кўра, кредит таъминоти сифатида «Осмонсой баракали далалари» фермер хўжалигининг кафилигини олишга қарор қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга асосан 2020 йил 18 февралдаги 1-сонли Қўшимча келишув шртномаси тузилганлиги, лекин кредит йиғма жилдида «Осмонсой баракали далалари» фермер хўжалигининг ҳужжатлари олинмаганлиги ва кафилик шартномаси тузилмаганлиги, кредит йиғма жилди бўйича гаровга олинган мол-мулкларнинг қўйилган тақиқ ҳолатлари нотариал органларининг маълумотлар базасидан олиб ўрганилганида, суднинг қарорига асосан қарздорликни ундириш қаратилган иккита гаровга олинган мол-мулклар, яъни автотранспорт воситаларига қўйилган тақиқлар банк ходимлари томонидан берилган хатларга асосан ечилганлик ҳолатлари аниқланганлиги, хусусан, фуқаро Расулов Жамшед Эргашкуловичга тегишли САРТІVА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили автомашина 2020 йил 22 октябрь кундаги 38-08/577-сонли ҳамда фуқаро Рўзиев Хамидулло Файзуллаевичга тегишли ЛАССЕТІ русумли, 30V 525 ТА давлат рақами белгили авомашина 2021 йил 26 февраль куни 38-08/423-сонли хатга асосланган ҳолда тақиқ ечилганлиги, лекин банк иш юритувидаги «Чиқим қилинган хатларни рўйхатга олиш китоби» кўздан кечирилганида, ушбу сана ва рақам билан чиқиш хати рўйхатдан ўтмаганлиги ёки ушбу сана ва рўйхатга олиш рақами билан Нотариал идорага йўлланган банкнинг умуман бошқа мижози бўйича хат рўйхатга олинганлиги маълум бўлганлиги, нотариал идорадан олинган фуқаро Ж.Расуловга тегишли бўлган давлат рақами белгиси 30 К 899 ОА бўлган САРТІVА LTZ русумли автотранспорт воситасини кредит қисман ёпилганлиги сабабли гаровдан чиқариш юзасидан 2020 йил 22 октябрдаги 38-08/577-сонли хатининг нусхаси кўздан кечирилганида, ушбу хатни сохталаштирилик ҳолати мавжудлиги, раҳбар Т.Маматкуловнинг ўрнига имзо жойида кўрсатилган санада АТ «Аloqabank» Самарқанд филиали бошлиқ ўринбосари – Кредит бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Рустамов Сарвар Сувонкуловичнинг имзоси қўйилганлиги маълум бўлганлиги, хатда ижрочи этиб кўрсатилган банк ходими М.Худайбердиевга хат нусхаси тақдим этилиб тушунтириш сўралганида, у ушбу хатни тайёрламаганлиги ва муқаддам кўрмаганлигини билдирганлиги, банкнинг собиқ ходими С.Рустамов билан тузилган меҳнат шартномаси 07.07.2021 йилдаги 103ШТ-сонли буйруққа асосан бекор қилинганлиги сабабли, ундан ҳолат юзасидан тушунтириш олиш имконияти бўлмаганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Бобоқулов Илёс Гаппаровичнинг, гувоҳ Мирзабеков Атабек Алибековичнинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатмаси билан;

-гувоҳ Бобоназаров Бегзод Олимовичнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ-3283-сонли Қарорига асосан



«Халқаро таррақиёт асосатциясининг кредит линияси» ҳисобидан 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига асосан, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиали томонидан «Muxammad Qobiljonovich» ХКга йирик шохли қорамоллар сотиб олиш учун 84 ой муддатга, 24 ой имтиёзли давр билан йиллик 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti асосида 199.483,20 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилганлиги, кредит таъминоти сифатида кредит таъминоти сифатида 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кафиллик шартномасига асосан «Омонбой Дала Чорваси» фермер хўжалигининг кафиллиги ҳамда 2018 йил 15 декабрдаги гаров ипотека шартномасига асосан К.Сапаровга тегишли Самарқанд вилоят Каттакўрғон туман, Кумушкент маҳалласи, Лублахур қишлоғида жойлашган омборхона биносини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 1.310.000.000 сўмга, фуқаро Махмудов Саиджон Олимжон ўғлига тегишли Самарқанд вилоят Каттакўрғон шаҳар, Дўстлик маҳалласи, Шавқий кўчасидаги савдо дўконини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 240.000.000 сўмга, фуқаро Махмудов Саиджон Олимжон ўғлига тегишли Каттакўрғон шаҳар, Арабхона маҳалласи, Ш.Рашидов кўчасидаги «Яшил бозор» худудида жойлашган савдо дўконини 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 150.000.000 сўмга, фуқаро Расулов Жамшед Эргашқуловичга тегишли САРТИВА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили автомобилани 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 200.000.000 сўмга, фуқаро Дудиков Улуғбек Тиллоевичга тегишли МАЛИБУ-2 русумли, 30 U 229 RA давлат рақам белгили автомобилани 2018 йил 14 декабрдаги келишув далолатномасига асосан 220.000.000 сўмга баҳолаб, гаровга қўйилганлиги, 2018 йил 14 декабрдаги МАР-4-сонли кредит шартномасига 2020 йил 18 февралдаги 1-сонли қўшимча келишув шартномасига асосан фуқаро Дудиков Улуғбек Тиллоевичга тегишли МАЛИБУ-2 русумли, 30 U 229 RA давлат рақам белгили автомобилани гаровдан чиқариб, ўрнига фуқаро Расулов Улуғбек Бердиқуловичга тегишли ГБАСПГ Лабо русумли, 30 U 261 ОА давлат рақам белгили автомобилани, 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 52.000.000 сўмга баҳолаб, фуқаро Рўзиев Хамидулло Файзуллаевичга тегишли ЛАССЕТИ русумли, 30 V 525 ТА давлат рақам белгили автомобилани 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 103.000.000 сўмга ҳамда фуқаро Хаитов Алишер Иброхимовичга тегишли ГБАСПГ ЛАССЕТИ русумли, 30 W 455 DA давлат рақам белгили автомобилани 2020 йил 18 февралдаги келишув далолатномасига асосан 76.000.000 сўмга баҳолаб гаровга қўйилганлиги, «Muxammad Qobiljonovich» ХК раҳбари Сапаров Кобул Камилович кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланиб, шартнома шартларини қўпол равишда бузиб, бугунги кунга қадар тўламасдан келаётганлиги, «Muxammad Qobiljonovich» ХК раҳбари Сапаров Кобул Камилович кредит шартномасида белгиланган ушбу кредитни қайтариш графигига риоя қилмасдан келганлиги ҳамда кредитга олинган йирик шохли насли қорамолларни сотиб юборганлиги натижасида бугунги кунда 152.500 АҚШ доллари асосий кредит қарзи, 7.437 АҚШ доллари фоиз қарздорлиги, жами, 159.937 АҚШ доллари қарздорлиги юзага келган бўлиб, ушбу қарздорликни қайтариш тўғрисида банк томонидан қарздор бир неча мартаба ёзма ва оғзаки равишда огоҳлантиришига қарамасдан, муддати ўтган кредит



қарздорлиги банкка қайтармасдан келганлиги, 2022 йил 21 сентябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг қарори билан кредит шартномаси бекор қилинганлиги, «Мухаммад Қобилжонович» ХК раҳбари Сапаров Кобул Камиловичда 157.217 АҚШ доллар ундириш белгиланганлиги, ушбу зарарни «Мухаммад Қобилжонович» ХК раҳбари Сапаров Кобул Камиловичдан ундириб беришда амалий ёрдам беришини сўраши ҳақидаги;

-гувоҳ Ачилов Зоҳид Абсаматович, Маматкулова Шоиста Амановна, Худойбердиев Мансур Тўроқулович, Маматқулов Толибжон Рустамовичларнинг ҳам гувоҳ Бобоназаров Бегзод Олимовичнинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатувлари билан;

-гувоҳ Элмонов Шамсиддин Юсуповичнинг, АТ «Халқ банк» Самарқанд вилояти Нуробод филиали миждози Сапаров Кобул Камаловичнинг раҳбарлигидаги «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ га «Майда шохли насли моллар олиш» мақсадида ажратилган кередит бўйича АТ «Халқ банк» Нуробод филиали бошқарувчиси Турдиев Зоқир Шақиржонович ва бош бухгалтер Санақулов Шерзод Холмўминович хабардорлигида ҳамда масъул банк ходимлари иштирокида ўрганиш ишлари ўтказилганлиги, «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ раҳбари К.Сапаров томонидан 2019 йил 9 декабрда АТ «Халқ банк» Нуробод филиали бошқарувчиси Б.Сапаров номига «Майда шохли насли моллар олиш» мақсадида 24 ой муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 24 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 1.000.000.000.000 сўм кредит ажратилиши юзасидан ариза билан мурожаат қилганлиги ва ариза қирим ҳужжатларида белгиланган тартибда 2019 йил 9 декабрда 48-сонли қирим ҳужжати асосида қирим қилинганлиги, миждоз томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар асосида АТ «Халқ банк» Нуробод филиали «Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш» бўлими (Фронт офис) етакчи мутахассиси А.Хўжаев ва «Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш» бўлими (Фронт офис) бошлиғи А.Арзиқуловлар томонидан «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ га 1.000.000.000.000 сўм миқдорида кредит ажратиш бўйича жамиятнинг лойиҳаси, молиявий фаолият кўрсаткичлари, кредит тарихи, лойиҳа мақсади, баланс кўрсаткичлари, бизнес режа кўрсаткичлари, таъминоти, лойиҳанинг рисклари ҳамда устунлик ва камчиликлари ўрганилиб, иждобий ҳулоса қилиб, АТ «Халқ банк» Нуробод филиали Кредит комиссиясида кўриб чиқилиб, яқуний қарор қабул қилиш учун тақдим этилганлиги, ҳулоса «Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш» бўлими (Фронт офис) етакчи мутахассиси А.Хўжаев ва «Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш» бўлими (Фронт офис) бошлиғи А.Арзиқуловлар томонидан имзоланиб тасдиқланганлиги, бундан ташқари 2019 йил 9 декабрда АТ «Халқ банк» Нуробод филиали бош юрисконсултининг кредит лойиҳаси юзасида ҳулосаси олинган бўлиб, филиал бош юрисконсулти Ж.Худжаниязов томонидан имзоланиб тасдиқланганлиги, АТ «Халқ банк» Нуробод филиали Кредит комиссиясининг 2019 йил 9 декабрдаги 48-сонли йиғилиш баёнида «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга 1.000.000.000.000 сўм кредит ажратиш бўйича иждобий қарор қабул қилинганлиги, кредит комиссияси раиси Б.Сапаров, аъзолари З.Тўхтаниезов, З.Холбозоров, А.Арзиқулов ҳамда Ж.Худжаниязовлар кредит кўмитасининг иждобий қарорини мақуллаб имзолаганлиги, АТ «Халқ банк» Нуробод филиали



ва «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ ўртасида 2019 йил 9 декабрда 48-сонли кредит шартномаси томонлар ўртасида имзоланган ва муҳри билан тасдиқланганлиги, шартномада кредитнинг шартлари қўйидагича кўрсатилганлиги, кредит суммаси 1.000.000.000.000 сўм, кредитдан фойдаланиш муддати 24 ой, кредитнинг асосий қарзига нисбатан имтиёзли даври олти ой, кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш тўлов (графики) жадвали мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, ҳисобланувчи 1-сонли иловада белгиланганлиги, кредит бўйича фоиз ставкаси йигирма тўрт фоиз, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш муддати график асосида ҳар ойнинг 15 санасигача, кредитнинг мақсади ва объекти «Майда шохли насли моллар олиш», АТ «Xalq banki» Нуробод филиали томонидан «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга кредит шартномасида келтирилган шартлар асосида белгиланган тартибда кредит маблағи ажратилганлиги, «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга тегишли 15501000801037209001 ҳисоб рақамидан конвертация қилиш учун 22613–ҳисоб рақамига 2019 йил 3 декабрдаги 56 сонли импорт шартномага асосан четдан насли қўйлар сотиб олиш мазмунида, банк ходими Арзикулов Азиз Бекмурзаевичнинг логин пароли орқали 2019 йил 20 декабрда 1 рақамли тўлов топшириқномасига асосан 1.000.000.000.000 сўм ўтказиб берилганлиги, кредит қайтарилишининг таъминланиши юзасидан мазкур кредит шартномасининг 6.1-бандида «Самарқанд Идеал Сервис» МЧЖнинг 2019 йил 27 мартдаги 147/03-2019-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 2.328.524.000.000 сўмга баҳоланган Каттакўрғон тумани Омонбой МФЙда яшовчи фуқаро Сапарова Каромат Қудратовнага тегишли «Молхона» биноси гаровга олишга келишилганлиги, 2019 йил 17 декабрда ушбу мол мулкни гаровга қўйиш бўйича нотариал тартибда «Ипотека шартномаси» расмийлаштирилганлиги, 2019 йил 03 декабрда тузилган «Ипотека шартномаси»ни «қарз олувчи» «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ раҳбари К.Мамарагимов, «Кредитор» АТ «Xalq banki» Нуробод филиали бошқарувчиси Б.Сапаров ва «Гаровга қўювчи» «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ раҳбари К.Сапаровлар томонидан имзоланганлиги, гаров шартномаси Нуробод туман Давлат нотариал идораси нотариуси К.Абдуллаев томонидан, Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисидаги қонуни»нинг 64-моддасига асослаган ҳолда 2019 йил 17 декабрь куни қайдномага 201900711003246-рақами билан қайд қилинган «Ипотека шартномаси»да кўрсатилган «Мулкний кафил»га тегишли мулкни тасарруфдан чиқаришга «Ипотека шартномаси» бекор бўлгунга қадар тақиқ солинганлиги, 2019 йил 3 декабр санасида 56-сонли контракт «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ раҳбари К.Сапаров (Ўзбекистон Республикаси) ва ИП «Бегметов» раҳбари Бегматов Б.Б. (Қозоғистон Республикаси) ўртасида 105.000 АҚШ доллари миқдорида импорт шартномаси тузилган бўлиб, мазкур импорт шартнома ўзаро томонлар тарафидан имзоланган ва муҳрланганлиги, импорт шартномага асосан 2019 йил 25 декабрда 1-сонли пул кўчириш аризасига асосан 104.166 АҚШ доллари ИП «Бегметов»нинг тегишли валюта ҳисоб рақамига кўчирилганлиги, кредит йиғма жилдида кредит маблағи эвазига сотиб олинган майда шохли моллар тўғрисида Қозоғистон Республикаси Сайрам туман ҳудудий ветеринария бўлимининг «Ветеринария сертификати» расмийлаштирилганлиги, жумладан КЗ 14-07-0010882 - сонли



маълумотномасига асосан 90 бош майда шохли насли моллар, КЗ 14-07-0013989-сонли маълумотномасига асосан 246 бош майда шохли насли моллар ва КЗ 14-07-0013990-сонли маълумотномасига асосан 296 бош майда шохли насли моллар, жами 632 бош майда шохли насли моллар алоҳида рақамланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Божхона юки декларациясида АТ «Xalq banki» Нуробод филиали маъсул ходимлари томонидан «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга ажратилган 1.000.000.000.000 сўм (104 166.00 АҚШ доллари) миқдорида кредит маблағларини мақсадли ишлатилишини ўрганиш юзасидан 2019 йил 29 декабрда ва 2020 йил 15 июлда мониторинг далолатномаси кредитдан мақсадли фойдаланилган деб тузилганлиги ва банк ходими Ш.Файзуллаев ҳамда «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ раҳбари К.Сапарова ва гаровга қўйилган мулк эгаси К.Сапаровалар томонидан имзоланиб тасдиқланганлиги, АТ «Xalq banki» Нуробод филиали мижози «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга шартномага асосан ажратилган 1.000.000.000.000 сўмлик кредит анкетаси ўрганилганда қўйидагилар аниқланганлиги, банк мижози «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖ нинг 15501000801037209001 ҳисоб рақамидан конвертация қилиш учун 22613–ҳисоб рақамига 2019 йил 3 декабрдаги 56 сонли импорт шартномага асосан четдан насли қўйлар сотиб олиш мазмунида, банк ходими Арзиқулов Азиз Бекмурзаевичнинг логин пароли орқали 2019 йил 20 декабрда 1 рақамли тўлов топшириқномасига асосан 1.000.000.000.000 сўм блок ҳисоб рақамига ўтказилганлиги, мижознинг бошқа давлат валютаси буютмаси (АҚШ доллари)га асосан энг юқори курс (1 АҚШ доллари) 9.600 сўмдан 104.166 АҚШ доллари харид қилганлиги, 2019 йил 25 декабрда 1 сонли пул кўчириш аризасига асосан 104.166 АҚШ долларини Қозоғистон Республикасидаги сотувчи мижоз ИП «Бегметов»нинг валюта ҳисоб рақамига кўчирганлиги, 2019 йил 3 декабрдаги контракт 56 (Импорт шартнома)га 1-сонли (спецификация) таърифига асосан хар бир бош майда шохли насли моллар учун 160 АҚШ доллари жами 656 бош майда шохли насли моллар учун жами 105.000 АҚШ доллари кўчирганлиги, ҳақиқатда Қозоғистон Республикаси Сайрам туман ҳудудий ветеринария бўлимининг КЗ 14-07-0010882–сонли, КЗ 14-07-0013989-сонли ва КЗ 14-07-0013990-сонли «Ветеринария сертификати»га асосан жами 632 бош майда шохли насли моллар олиб келинганлиги, натижада кредит маблағи эвазига 24 бош майда шохли насли моллар кам олиб келинганлиги маълум бўлганлиги, яъни кредит маблағи ажратилган вақтида қисман мақсадсиз ишлатилганлиги, бу эса ўз навбатида банк ва мижоз ўртасида тузилган шартноманинг 2.7. банди талалаблари мижоз томонидан лозим даражада бажарилмаганлиги, яъни 2022 йил 14 октябрда АТ «Xalq banki» Нуробод филиали «Кредитлар мониторинги ва муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлими (Юристоконсулт) бош мутахассиси Худжаниязов Жасурбек Эркинович ва «Ички назорат ва комплаенс хизмати» Самарқанд филиали менежери Элмонов Шамсиддин Юсуповичлар иштирокида «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖда мониторинг ўтказилганда майда шохли насли молларни кўрсата олмаганлиги, мижоз раҳбари билан учрашишнинг иложи бўлмаганлиги, сўнг мижоз раҳбари укасидан сўралганда 400 бош майда шохли насли моллари борлигини оғзаки айтганлиги, мижоз раҳбарининг ўғли ва чўпонидан сўралганда, ҳозирги кунда 120 бош майда шохли насли моллари борлигини



оғзаки баён қилганлиги, лойиҳанинг бугунги кундаги ҳолати қониқарсиз эканлиги, сабаби олиб келинган майда шохли насли моллар кўпайтирилмаганлиги, олиб келинган кундагидан камайтирилганлиги, текшириш кунига «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖнинг кредит анкетаси ИАБС дастурининг «Кредит» модули орқали кўрилганда, кредитни асосий қарздорлиги 663.319.184 сўм 71 тийинни ва кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлиги 215.882.502 сўм 48 тийинни, жами кредит қарздорлиги 879.201.687 сўм 19 тийинни ҳамда «Картотека-2» модулида мижоз-нинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги қарздорлиги, солиқ инспекцияси томонидан қўйилган электрон инкассо топшириқномаларининг жами суммаси 1.911.426 сўм 21 тийинни ташкил қилиши, филиал бошқарувчиси оғзаки равишда ҳозирги кунда «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга ажратилган кредит маблағлари муаммоли кредитга айланганлигини, кредитга умидсиз таснифи берилганлигини ва (НПЛ) – ҳаракатсиз кредитлар қаторида турганлиги айтганлиги, «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга 2020 йил 5 майда 22-05/430-сонли, 2020 йил 10 мартда 03-03-18/134-сонли, 2020 йил 12 мартда 153-сонли, 2020 йил 24 мартда 22-03/169-сонли, 2020 йил 12 октябрда 22-09/636-сонли, 2020 йил 2 октябрда 22-09/630-сонли огоҳлантириш хатлари юборилганлиги, «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга жами 1.000.000.000.000 сўмга майда шохли насли моллар олиш учун кредит маблағи ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу кредит маблағларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланганлиги, кредит маблағлари АТ «Xalq banki» Нуробод филиали омонатчиларининг маблағлари ҳисобидан ажратилган бўлиб, банкнинг мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажаришда ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келаётганлиги, яъни кредит шартномасининг 2.7 бандини кўпол равишда бузиб, бошқа мақсадларга сарфлаганлигини инобатга олиб, ҳозирги кунда жами кредит қарздорликлари 879.201.687 сўм 19 тийинни ундиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаши ҳақидаги;

-гувоҳ Сапаров Баҳриддин Хаитовичнинг, 2018 йилдан 2021 йил декабрь ойига қадар АТ «Халқ банки» Нуробод филиалида бошқарувчи лавозимида ишлаганлиги, хизмат вазифаларига банк ишини ташкил қилиш, назорат қилиш, мутахассисларни ишга олиш, мижозларга ажратилган кредит маблағларини мақсадли ишлатилиши, кредитларни ўз вақтида сўндирилишини умумий назоратни олиб бориш, пенсия нафақа тўловларини ўз вақтида тўланишини назорат қилиш ва бошқа вазифалар кирганлиги, Нуробод туманидан рўйхатдан ўтган «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖнинг раҳбари Сапаров Кобул Камиловични АТ «Халқ банки» Нуробод филиалида бошқарувчи лавозимида ишлаган вақтидан иш юзасидан таниши, «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга фаолиятини ривожлантириш учун 2019 йил 9 декабрь куни АТ «Xalq banki» Нуробод филиалига кредит олиш учун мурожаат қилганлиги ва банк томонидан «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга 2019 йил 09 декабрдаги 48-сонли кредит шартномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 02 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-4258-сонли қарорига асосан банк жалб қилган маблағлар ҳисобидан, 6 ой имтиёзли даври билан йиллик 24 фоиз устама тулаш



шарти билан 2 йил муддатга майда шохли насли чорва моллари сотиб олиш учун 1.000.000.000 сўмлик кредит маблағи ажратиб берилганлиги, жамият раҳбари Сапаров Кобул Камилевич томонидан гаров таъминоти сифатида 2.328.524.000 сўмга баҳоланган онаси Сапарова Каромат Кудратовнага тегишли молхона биноси гаровга қўйилганлиги, АТ «Xalq banki» Нуробод филиали томонидан 2019 йил 9 декабрда кредит комиссияси аъзолари тариқасида ўзи, Ш.Санақулов, З.Холбозоров, А.Арзиқулов, Ж.Хўжаниязов ва иккинчи томон, яъни жамият раҳбари К.Сапаров томонидан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан оладиган 1.000.000.000 сўм миқдоридagi кредитнинг таъминоти сифатида онаси К.Сапаровага тегишли молхона биносини гаровга қўйиш учун томонлар ўзаро келишув далолатномасига асосан бино 1.250.000.000 сўмга келишиб гаровга қўйилганлиги, 2021 йилнинг ўрталарида «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖнинг раҳбари К.Сапаровнинг Каттакўрғон шаҳридаги яшаш уйига ким билан бирга борганлигини эсалай олмаслиги, «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖга ажратилган 1.000.000.000 сўм кредитнинг ойма-ой график асосида асосий қарзи ва устамасидан муддати утган қарздорликни тулаш лозимлигини тўғри тушунтириш учун борганлиги, «Mashxura Malika Yulduzlari» МЧЖнинг раҳбари К.Сапаровнинг кўрсатмасини тасдиқламаслиги, 2021 йилнинг ўрталарида кредитни ёпиш учун олдига К.Сапаров келмаганлиги, унга кредитга олиб келган қуйларни банкдан кредит олувчи фуқаролар томонидан топган таъминотчи корхоналарга сотишини ва шу тариқа банк кредитни ёпишини айтмаганлиги ҳамда 3-4 кунда 572.000.000 сўмга К.Сапаров томонидан кредит эвазига Қозоғистон Республикасидан олиб келинган насли майда шохли чорва молларни сотганлигини, шу пулларни унга бериб, К.Сапаровнинг тахминан 300.000.000 сўм атрофида банкдан олган кредитини ёпмаганлиги, К.Сапаров Қозоғистон Республикасидан кредитга олиб келган майда шохли чорва молларини нима қилганлигини ўзи билиши, унинг ишларига аралашмаганлиги, унинг К.Сапаровдан умуман қарздорлиги йўқлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Хасанов Олимжон Абдурахмановичнинг, «Мухаммад Қобулович» ХКда солиқ идорасида мавжуд дастурий маҳсуллардан олинган маълумотга кўра, корхона томонидан 2020-2022 йилларнинг январь-декабрь ойлари давомида кирим ва чиқим қилинган маҳсулот ва товарлари бўйича электрон ҳисоб фактуралар расмийлаштирилмагани аниқланганлиги, солиқ аудити натижасига кўра, корхона маъсул шахслари томонидан 2019 йилда боқиш ва кўпайтириш мақсадида импортга олиб келинган жами 1.658.774.900 сўмлик йирик шохли симментал зотли қорамоллар 2020-2022 йиллар давомида сотиб юборилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июлдаги ПФ-5755-сонли Фармонининг 2-банди «б»-қисмига мувофиқ, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланиши, бунда, товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шартлиги сабабли корхонага 2022 йилнинг якунига кўра импортга олиб келинган ва сотиб юборилган жами 1.658.774.900 сўмлик маҳсулотлар қийматидан белгиланган 15 фоиз солиқ



ставкасида 248.816.200 сўм қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланишга ҳисобланиши, «Машҳура Малика юлдузлари» МЧЖда солиқ идорасида мавжуд дастурий маҳсуллардан олинган маълумотга кўра, корхона томонидан 2020-2022 йилларнинг январь-декабрь ойлари давомида кирим ва чиқим қилинган маҳсулот ва товарлари бўйича электрон ҳисоб фактуралар расмийлаштирилмагани аниқланганлиги, солиқ аудити натижасига кўра, корхона маъсул шахслари томонидан 2019 йилда боқиш ва кўпайтириш мақсадида импортга олиб келинган жами 1.658.774.900 сўмлик йирик шохли симментал зотли қорамоллар 2020-2022 йиллар давомида сотиб юборилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июлдаги ПФ-5755-сонли Фармонининг 2-банди «б»-қисмига мувофиқ, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланиши, бунда, товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шартлиги сабабли, корхонага 2022 йилнинг якунига кўра импортга олиб келинган ва сотиб юборилган жами 1.108.330.900 сўмлик маҳсулотлар қийматидан белгиланган 15 фоиз солиқ ставкасида 166.249.600 сўм қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланиши лозимлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Абдухакимов Дилшод Абдухакимовичнинг, Самарқанд вилоят ХЭТКда фаолият кўрсатиши, хизмат вазифаларига юридик ва маиший исътемомчилардан келган мурожаатлар билан ишлаш, туман-шаҳар ЭТК ходимларига нисбатан хизмат текширувларини ўтказиш ва бошқалар кириши, 2022 йил 16 декабрь куни ИЖКК Департаментининг Каттақўрғон туман бўлими томонидан берилган хизмат текширув хатига асосан 2023 йил 17 январь кунидаги Самарқанд ХЭТК директорининг 13-сонли буйруғига асосан «Қорадарё» ЭТКда хизмат текширувини ўтказиб, хулосасини тақдим қилганлиги, 2022 йилнинг 06 май куни «Қорадарё» ЭТК ходимлари Т.Тошев, Ю.Нагматов, С.Намозов ва холислар иштирокида Каттақўрғон тумандаги Кумушкент МФЙ ҳудудида жойлашган «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонида қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати кўздан кечирилганида, мазкур сув насос агрегати юқори кучланишли электр тармоғига уланган трансформатор орқали ҳисоблагичсиз ноқонуний уланганлик ҳолати аниқланганлиги ва «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» АЖга тегишли бўлган 18214690-сонли рақамли қатъий ҳисобда турувчи далолатнома расмийлаштирилганлиги, «Қорадарё» ЭТК ходимлари далолатнома расмийлаштирган вақтида «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалиги раҳбари ёки унинг бирорта ҳам вакили иштирок этмаганлиги, лекин ҳолатлар тўлиқ видеотасвирга олинганлиги ва фотосуратга туширилганлиги, мазкур далолатнома қонуний қарор қабул қилиш учун корхонанинг юридик бўлимига тақдим қилинганлиги, корхонанинг масъул ходимлари С.Қиличов ва Ж.Алимов аниқланган ҳолат бўйича қайта ҳисоб-китоб ишларини кўриб чиқишганида, «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонида қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати юқори кучланишли электр тармоғига уланган трансформатор орқали ҳисоблагичсиз



ноқонуний уланганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Қарорига асосан «Қорадарё» электр таъминоти корхонасига жами 147.400.000 сўмлик кўп миқдордаги зарар етказганлиги аниқланганлиги ва шу ҳақида маълумотнома тузилганлиги ҳақидаги;

-гувоҳлар Сафаров Иззат Рахмонбердиевич ва Хайитов Эсонбек Қаххоровичларнинг ҳам гувоҳ Абдухакимов Дилшод Абдухакимовичнинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатувлари билан;

-гувоҳ Алимов Жасур Муродулла ўғлининг, 2022 йил 06 май куни «Қорадарё» ЭТК ходимлари Т.Тошев, Ю.Нагматов, Б.Махмудов, С.Намазов ва холислар иштирокида Каттакўрғон туман Кумушкент МФЙ ҳудудида жойлашган «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонида қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати кўздан кечирилганида, мазкур сув насос агрегати юқори кучланишли электр тармоғига уланган трансформатор орқали ҳисоблагичсиз ноқонуний уланганлик ҳолати аниқланиб, «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» АЖга тегишли 18214690-сонли рақамли қатъий ҳисобда турувчи далолатнома тўлдирилиб, қонуний қарор қабул қилиш учун корхонанинг юридик бўлимига тақдим қилинганлиги, корхонанинг ходими С.Қиличов, ўзи ҳамда тадбир иштирокчилари томонидан аниқланган ҳолат бўйича қайта ҳисоб-китоб ишлари кўриб чиқилганида, «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонида қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати юқори кучланишли электр тармоғига уланган трансформатор орқали ҳисоблагичсиз ноқонуний уланганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Қарорига асосан «Қорадарё» электр таъминоти корхонасига жами 147.400.000 сўмлик кўп миқдордаги зарар етказганлиги аниқланганлиги, аниқланган зарар жами 182 кун давомида ишлатилганлиги инobatга олинганлиги, чунки, 2021 йилнинг апрель-июль ойлари ҳамда 2022 йилнинг март-апрель ойларида қишлоқ хўжалик мавсуми даврида ерни суғориш даври инobatга олинганлиги ва ушбу ҳақида маълумотнома тузилганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Тошев Толибжон Орипович ва Махмудов Бахтиёр Негматуллаевичларнинг ҳам Алимов Жасур Муродулла ўғлининг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатувлари билан;

-гувоҳ Кананов Сухроб Рустамбек ўғлининг, 2022 йил 06 май куни «Қорадарё» ЭТК ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда холис сифатида иштирок этганлиги, «Қорадарё» ЭТК ходимлари Б.Махмудов, Т.Тошев, Ю.Нагматов ва С.Намозовлар Каттакўрғон туман, Кумушкент МФЙ ҳудудида жойлашган «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли ер майдонида бориб, «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонида қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати кўздан кечирилганида, мазкур сув насос агрегати юқори кучланишли электр тармоғига уланган трансформатор орқали ҳисоблагичсиз ноқонуний равишда уланганлик ҳолати аниқланиб, «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» АЖга тегишли бўлган 18214690-сонли рақамли далолатнома тўлдирилганлиги, текширув жараёнида «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалиги раҳбари ёки вакили иштирок



этмаганлиги, текшириш жараёнлари тўлиқ видеотасвирга олиниб, фотосуратга туширилганлиги, далолатномани холис сифатида имзолаганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Холиқов Алишер Эргашович, Нагматов Юсуф Абдулло ўғли, Намозов Суннатилло Эркинович ва Қиличев Санжарбек Илхомовичларнинг Кананов Сухроб Рустамбек ўғлининг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатувлари билан;

-гувоҳ Расулов Давронжон Асадуллаевичнинг, «Қўшчинор асл чорва» фермер хўжалиги раҳбари эканлиги, фермер хўжалиги тегишли 12 гектар ер майдони Каттакўрғон туман Қиёт қишлоғида жойлашган бўлиб, ушбу ер майдонида чорва моллари учун озуқа етиштирилиши, унга тегишли ер майдонидан тахминан 500 метр узоқликда «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонасига тегишли бўлган таъхминан 8,5 гектар атрофидаги ер майдони жойлашганлиги, корхона раҳбари Сапаров Кобул Камилович ҳисобланиши, К.Сапаров томонидан ушбу ер майдонини суғориш учун сув насос агрегати ўрнатилган бўлиб, ушбу сав насос орқали мазкур ер майдонлари суғорилиши, мукаддам К.Сапаров Каттакўрғон туманидаги «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига ҳам раҳбарлик қилиб келган бўлиб, билишича, ҳозирда ушбу фермер хўжалиги тугатилганлиги, «Омонбой дала чорваси» фермер хўжалигига тегишли 8,5 га ер майдони ҳозирги кунда «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонасига қўшиб берилган бўлиб, бугунги кунда мазкур 8,5 гектар ер майдонидан «Muhammad Qobiljonovich» ХК томонидан фойдаланиб келиниши ҳақидаги;

-гувоҳ Рузмурадов Юсупнинг, Каттакўрғон туманидаги «Таварон орзу» хусусий корхонасини раҳбари эканлиги, корхона ёшларни бўш вақтларини кўнгилли ўтказишини таъминлаш мақсадида спорт ишларига жалб қилиш фаолияти билан шуғулланиши, унинг раҳбарлигида ёки таъсисчилигида бошқа бирорта ҳам хўжалик юритувчи субъект мавжуд эмаслиги, Каттакўрғон туманидаги «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонасида раҳбар сифатида фаолият кўрсатмаслиги, ушбу хусусий корхонанинг номини биринчи маротаба эшитиб туриши, Каттакўрғон туманидаги «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси таъсисчиси Сапаров Кобул Камиловични танимаслиги, у билан бирор маротаба кўришмаганлиги ва гаплашмаганлиги, давлат солиқ органлари ҳамда давлат хизматлари марказидан олинган маълумотлар билан танишганлиги, мазкур маълумотлар базасида Каттакўрғон туманидаги «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари сифатида айнан унинг номи кўрсатилган эканлиги, лекин унинг ушбу корхонага умуман алоқаси йўқлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, жинойт ишининг 1-жилд, ишнинг 6-7-варақларидаги маълумотнома; ишнинг 8-9-варақларидаги АТБ «Алоқабанк»нинг хати; ишнинг 14-20-варақларидаги 2022 йил 18 октябрдаги маълумотнома; ишнинг 23-32-варақларидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори нусхаси; ишнинг 33-62, 102-214-варақларидаги кредит ҳужжатлари ва ҳал қилув қарори нусхалари; ишнинг 67-75, 78-варақларидаги нотариус ва ИИБ ЙХХБ маълумотномаси, илова қилинган ҳужжатлар нусхалари; ишнинг 86-91-варақларидаги тақик карточкалари нусхалари; ишнинг 101-варағидаги



далолатнома; ишнинг 222-269-ажратилган кредит маблағлари мақсадли ишлатилиши юзасидан ўтказилган текшириш маълумотномаси, илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари; ишнинг 285, 286-варақларидаги нотариусга юборилган тақиқдан чиқариш тўғрисидаги икки дона хатлар;

-жиноят ишининг 2-жилдидаги «Машхура малика юлдузлари» МЧЖ га ажратилган кредит ҳужжатлари йиғмажилди;

-жиноят ишининг 3-жилдидаги «Муҳаммад Қобилович» МЧЖ га ажратилган кредит ҳужжатлари йиғмажилди;

-жиноят ишининг 4-жилд, 1-237-варақларидаги «Муҳаммад Қобилович» МЧЖ га ажратилган кредит ҳужжатлари йиғмажилди; ишнинг 296-303-варақларидаги тўлов топшириқномалари;

-жиноят ишининг 5-жилд, 74-75-варақларидаги электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги далолатнома, илова қилинган фотосуратлар; ишнинг 77-варағидаги қайта ҳисоб-китоб қилиш маълумотномаси; ишнинг 86-89-варақларидаги хизмат текшируви нусхаси; ишнинг 133-135-варақларидаги кўздан кечириш баённомаси;

-жиноят ишининг 6-жилд, 1-28-варақларидаги хизмат текшируви хулосаси, илдова қилинган ҳужжатлар нусхалари; ишнинг 30-71-варақларидаги солиқ аудити далолатномаси, илова қилинган ҳужжатлар; тушунтириш хатлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши қайд этилган бўлиб, судланувчи К.Сапаровнинг, «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, АТ «Aloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш марказидан «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонага тузилган кредит шартномага асосан Австрия давлатининг «AGRO BREEDING GmbH» корхонасидан жами 172.500 Еврога сотиб олган жами 75 бош симментал зотли қорамолларнинг 25 бошини 650.000.000 сўмга «Imkon Baraka Azizbek» ХК га кредит эвазига сотиб, пуллари кредитни сўндиришга йўналтириб, 2022 йил 14 июнь ҳолатига қолган жами 115.000 Еврога тенг жами 50 бош симментал зотли қорамолларни нақд пулга сотиб, 1.322.504.600 сўм жуда кўп миқдордаги қийматга тенг бўлган жами 115.000 Еврога тенг давлат бюджети маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликдаги, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиали бошлиқ ўринбосари-кредит бўлими бошлиғи, яъни давлат иштирокидаги ташкилотнинг мансабдор шахси ҳисобланган судланувчи С.Рустамов билан ўзаро жинорий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, ушбу ажратилган кредит маблағлари сўндирилмаган бўлсада, судланувчи С.Рустамов ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган фуқаро Ж.Расуловга тегишли САРТИВА LTZ русумли, 30 К 899 ОА давлат рақами белгили ҳамда фуқаро Х.Рўзиевга тегишли ЛАССЕТИ русумли, 30V 525 ТА давлат рақами белгили авомашиналарни гаровдан чиқариш мумкинлиги тўғрисида сохта хатни тайёрлаб, ушбу хатни судланувчи К.Сапаров



Каттақўрғон шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусга тақдим этиб, автомашиналарни таққдан чиқаришга эришганлиги оқибатида, АТ «Aloqabank» Самарқанд филиали манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлишганликдаги, шу билан бирга, судланувчи К.Сапаровнинг, Каттақўрғон туман Кумушкент маҳалласи ҳудудидаги ер майдонига ўрнатилган қуввати 75 кВт бўлган сув насос агрегати орқали юқори кучланишли электр тармоғига ноқонуний уланиб, 2021 йил 5 ноябрдан 2022 йил 6 май кунига қадар электр энергиясидан фойдаланиб, «Қорадарё» электр таъминоти корхонасига жами 147.400.000 сўмлик кўп миқдордаги зарар етказганлиги, Шу каби, судланувчи К.Сапаровнинг, «Muxammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, кредитга боқиш ва кўпайтириш мақсадида сотиб олинган 1.658.774.900 сўмлик 75 бош йирик шохли симментал зотли қорамоллардан 25 бошини 650.000.000 сўмга «Imkon Baraka Azizbek» ХК га кредит эвазига сотиб, пуллари кредитни сўндиришга йўналтириб, 2022 йил 14 июнь ҳолатига 1.322.504.600 сўм жуда кўп миқдордаги қийматдаги жами 115.000 Еврога тенг жами 50 бош симментал зотли қорамолларни нақд пулга сотиб, сотувдан тушган нақд пуллари назорат касса машинасидан ўтказмасдан ва банк муассасасига топширмасдан, банкдан ташқари ноқонуний нақд пул айланмасини амалга ошириб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини 1.322.504.600 сўмлик жуда кўп миқдордаги қийматда бузганликдаги ва жамиятнинг 2022 йил якунига кўра ушбу сотиб юборилган 1.658.774.900 сўмлик қорамолларнинг қийматидан белгиланган 15 фоиз солиқ ставкасида 248.816.200 сўмлик жуда кўп миқдордаги қўшилган қиймат солиғини яшириб, солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаганликдаги, шу каби, судланувчи К.Сапаровнинг, Нуробод туманидан рўйхатдан ўтган «Mashxura Malika Yulduzlari» хусусий корхонаси раҳбари, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, АТ «Xalq banki» Нуробод филиалидан майда шохли насли моллар сотиб олиш учун ажратилган 1.000.000.000 сўм кредит маблағи эвазига сотиб олган жами 632 бош майда шохли насли қўйларни нақд пулга сотиб, 1.000.000.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги қийматга тенг бўлган АТ «Xalq banki» Нуробод филиали пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликдаги айблари суд мажлисида тўлиқ ўз тасдиғини топган бўлиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Сапаров Кобул Камиловичнинг жиноий ҳаракатлари ЖК 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 228-моддасининг 1-қисми, 185-2-моддасининг 3-қисми, 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан, судланувчи Рустамов Сарвар Суванқуловичнинг жиноий ҳаракатлари эса ЖК 205-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан тўғри ва асосли квалификация қилинган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасига кўра ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.



Бирок, дастлабки тергов органи иш ҳолатларини синчиковлик билан ва тўлиқ аниқламасдан, судланувчи К.Сапаровни қуйидаги айбловлар билан нотўғри ва асоссиз айблаган. Хусусан,

Дастлабки тергов органи судланувчи К.Сапаровнинг, «Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси раҳбари сифатида АТ «Aloqabank» Самарқанд филиалидан ажратилган 199.483,20 АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағидан 1.650.050.000 сўм қийматга тенг бўлган 152.500 АҚШ доллари қийматидаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айблаб, ўзлаштирилган зарар суммаси миқдорни ҳисоблашда хатоликка йўл қўйган.

2022 йил 18 октябрь куни ҳолатига 46.983,20 АҚШ доллари сўндирилган бўлиб, асосий танидан 152.500 АҚШ доллари, фоизидан 4.717,56 АҚШ доллари қарздорлиги мавжуд бўлган.

«Muhammad Qobiljonovich» хусусий корхонаси томонидан «Imkon Baraka Azizbek» ХК га 25 бош қорамоллар 650.000.000 сўмга кредит эвазига сотилиб, пуллари кредитни сўндиришга йўналтирилган.

2022 йил 14 июнда қолган 50 бош қорамоллар ҳам сотиб юборилганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган.

Бу ҳолатда К.Сапаров фақат жами 50 бош симментал зотли қорамолларни, яъни ҳар бири 2.300 Евродан, жами 115.000 Еврога тенг қорамолларни нақд пулга сотган бўлиб, 2022 йил 14 июнь куни ҳолатига 1 Евро 11500,04 сўм қийматга тенглиги ҳисобга олинса, 50 бош қорамолнинг суммаси 1.322.504.600 сўм қийматни ташкил этади.

Шу сабабли, айбловдаги ўзлаштирилган зарар суммасини 1.322.504.600 сўмдан ҳисоблаш лозим топилди.

Шунингдек, дастлабки тергов органи судланувчи К.Сапаровнинг АТ «Aloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази мансабдор шахслари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, кредит шартномасида кўрсатилган Х.Рўзиевга тегишли, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган Ласетти русумли, 30 V 525 ТА давлат рақам белгили автотранспорт воситасини ва фуқаро Ж.Расуловга тегишли Каптивва русумли, 30 K 899 ОА давлат рақам белгили автотранспорт воситасини кредит сўндирилмаган бўлсада, тақиқдан чиқариш тўғрисида сохта ҳужжатлар асосида нотариусга тақдим этишиб, ушбу автомашиналарни тақиқдан чиқаришга эришганлик эпизоди бўйича судланувчи К.Сапаровни ЖК 228-моддасининг 1-қисми ва судланувчи С.Рустамовни ЖК 205-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан айблаб барвақт тўхташга келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 4-сонли «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Қарорининг 8-бандида мансабдор шахс агар мансаб сохтакорлиги мансабдорлик жиноятининг субъекти бўлмаган бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этилган бўлса, бундай иштирокчиларнинг ҳаракатлари, башарти улар талон-торож жинояти иштирокчиси бўлмаса, ЖК 228-моддаси билан эмас, балки ЖК 28,209-моддалари билан квалификация қилинмоғи кераклиги тўғрисида тушунтириш берилган бўлиб, ушбу раҳбарий тушунтириш талаблари қўпол тарзда бузилган. Яъни, судланувчи С.Рустамовнинг жиноий



ҳаракатлари ЖК 205-моддаси 2-қисмининг «а» бандидан ташқари, ЖК 209-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан қўшимча квалификация қилиниши, К.Сапаровнинг жиноий ҳаракатлари эса ЖК 28,209-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан квалификация қилиниши лозим эди.

Бироқ, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш бўйича давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурор, судланувчи, унинг ҳимоячиси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 416-моддаси (судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар аниқланганда суднинг ҳаракатлари) судга илтимоснома киритишмаганликлари боис, суд ишни эълон қилинган айблов доирасида мазмунан кўриб чиқишни лозим топди.

Дастлабки тергов органи томонидан, судланувчи К.Сапаровни савдо қоидаларини бузиш эпизоди бўйича айблашда ҳам жами 1.658.374.900 сўмлик 75 бош йирик шохли симментал зотли қорамоллар сотилиб, сотувдан тушган нақд пулларни назорат касса машинасидан ўтказмасдан, банк муассасасига топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганликда айблаш эпизодида ҳам бузилган савдо қоидаси суммаси нотўғри ҳисобланган.

Юқорида таъкидланганидек, судланувчи К.Сапаров томонидан «Imkon Baraka Azizbek» ХК га 25 бош қорамоллар 650.000.000 сўмга кредит эвазига сотилиб, пуллари кредитни сўндиришга йўналтирилган, яъни банк орқали пул айланмаси амалга оширилган.

Судланувчи К.Сапаров фақат қолган жами 50 бош симментал зотли қорамолларни, яъни ҳар бири 2.300 Евродан, жами 115.000 Еврога тенг қорамолларни нақд пулга сотган ва сотувдан тушган нақд пулларни назорат касса машинасидан ўтказмасдан, банк муассасасига топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган бўлиб, 2022 йил 14 июнь куни ҳолатига 50 бош қорамолнинг нархи 1.322.504.600 сўм қийматни ташкил этади.

Шу сабабли суд, савдо қоидалари бузилган суммани ҳам 1.322.504.600 сўмдан ҳисоблашни лозим топди.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахсларни янги жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида қўлланилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади ва 20-моддасининг 2-банди талабига кўра эса инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Суд, судланувчиларга жазо тайинлаш ва айблаш масаласини муҳокама қилган ҳолда қуйидаги мазмундаги тўхтама келди. Жумладан,

Судланувчи Сапаров Кобул Камиловичга жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи томонларидан, айбига иқдор бўлиб, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, оилавий аҳволини, оилали бўлиб, тўрт нафар фарзанди борлигини, ўзлаштириш натижасида етказилган зарарнинг етмиш фоизидан зиёд қисми қопланганлигини, ижтимоий фойдали меҳнат



билан шуғулланганлигини, жазони оғирлаштирувчи томонларидан муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланиб, яна паст ниятларда қасддан жиноят содир этганлигини;

-судланувчи Рустамов Сарвар Суванқуловичга нисбатан жазо тайинлашда эса, жазони енгиллаштирувчи томонларидан, айбига иқрор бўлиб, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, оилавий аҳволини, оилали бўлиб, тўрт нафар фарзандлари борлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланганлигини, жазони оғирлаштирувчи томонларидан паст ниятларда қасддан жиноят содир этганлигини инобатга олди.

Шунингдек суд, Жиноят кодексининг одиллик, айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 3-бандида «Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак» ҳақидаги раҳбарий кўрсатмага амал қилиб, судланувчиларга жазо тури ва миқдорини тайинлашда ва белгилашда қуйидаги мазмундаги тўхтамга келди, жумладан,

Судланувчи К.Сапаров томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни озодликдан маҳрум этмасдан туриб, ахлоқан тузатиш мумкинлиги тўғрисидаги асосли хулосага келган ҳолда, жазони енгиллаштирувчи томонларини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга у айбдор деб топилаётган ЖК 167-моддасининг 3-қисми билан санкциясида назарда тутилмаган доирада енгилроқ турдаги, 185-2-моддасининг 3-қисми ва 184-моддасининг 3-қисми билан эса санкциясида назарда тутилган доирада енгилроқ турдаги озодликни чеклаш тарзидаги, ЖК 189-моддасининг 1-қисми билан эса санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо чораларини тайинлашни, судланувчи К.Сапаровни айбловидаги ЖК 228-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириб, ЖК 64-моддаси 1-қисмининг «а» банди талабидан келиб чиқиб, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишни, ЖК 59-моддасига биноан тайинланган жазоларни ЖК 61-моддаси тартибида қисман қўшиб, узил-кесил озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, судланувчи К.Сапаров ушбу жиноятни жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2021 йил 23 апрелдаги ҳукм эълон қилинганидан сўнг содир этганлиги боис, суднинг ушбу ҳукми билан тайинланган 2 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмасдан қолган қисмини тайинланган жазо муддатига ЖК 60-моддасига асосан ЖК 61-моддаси тартибида қисман қўшиб, узил-кесил озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, ЖК 62-моддасига биноан судланувчи К.Сапаров камоқда сақланган кунларини тайинланган жазо муддатидан чегириб ҳисоблашни, унга озодликни чеклаш жазоси талаби сифатида яшаш уйидан тунги вақтда чиқишни чеклашни белгилашни, шунингдек, жиноят содир этилиши усули ва ҳолатларини



инобатга олган ҳолда, судланувчи К.Сапаровга Самарқанд вилоят Каттакўрғон туман ИИБ пробация гуруҳининг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашларни ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклашни, худди шунингдек, уни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар ва мажбурият) ни бузган тақдирда, қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришни, судланувчи К.Сапаров тадбиркорлик субъекти ҳисобланганлиги боис, унга ЖК 45-моддаси тартибида қўшимча жазо чорасини тайинламасликни, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, судланувчи К.Сапаров унга қўлланилган гаровга тарзидаги эҳтиёт чораси талабини бузмаганлиги боис, эҳтиёт чорасини бекор қилиб, гаровга топширилган Ласетти русумли, 30 Н 858 КА давлат рақам белгили автомашинани судланувчи К.Сапаровга қайтаришни белгилашни лозим топди.

Шунингдек, судланувчи С.Рустамов томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни озодликдан маҳрум этмасдан туриб, ахлоқан тузатиш мумкинлиги тўғрисидаги асосли хулосага келиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар йўқлигига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 45-бандида, ЖК 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги назарда тутилган бўлиб, суд судланувчи С.Рустамов АТ «Аloqabank» Самарқанд филиали жисмоний шахсларни кредитлаш бўлими бошлиғи яъни давлат органининг мансабдор шахси лавозимида ишлаб, хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ жиноят содир этганлигини инобатга олиб, унга у айбдор деб топилаётган ЖК 205-моддасининг 2-қисми билан санкциясида назарда тутилган доирада муайян муддатга давлат органларида мансабдорлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, озодликни чеклаш тарзидаги жазо чорасини тайинлашни, судланувчи С.Рустамов ушбу жиноятни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 1 февралдаги ҳукм эълон қилингунига қадар сўнг содир этганлиги боис, ЖК 59-моддасининг 8-қисмига биноан суднинг ушбу ҳукми билан тайинланган 1 йил банк тизимида мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва 1 йил 5 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинланган озодликни чеклаш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларига ЖК 61-моддаси тартибида қисман қўшиб, узил-кесил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш жазоларини тайинлашни, ЖК 62-моддасига биноан С.Рустамов 2023 йил 14 март кунидан 2023 йил 31 март кунлари оралиғида қамоқда сақланган 18 кунни ҳамда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 1 февралдаги ҳукм билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталган қисмини тайинланган жазо муддатидан чегиришни, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини эса суднинг ушбу ҳукми билан ижрога қаратиш белгиланган муддатдан ҳисоблашни, унга озодликни чеклаш жазоси талаби сифатида яшаш



уйидан тунги вақтда чиқишни чеклашни белгилашни, шунингдек, жиноят содир этилиши усули ва ҳолатларини инобатга олган ҳолда, судланувчи С.Рустамовга Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар ИИБ пробация гуруҳининг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашларни юклашни, худди шунингдек, уни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар) ни бузган тақдирда, қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришни, судланувчи С.Рустамов унга қўлланилган «гаров» тарзидаги эҳтиёт чораси талабини бузмаганлиги боис, Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига гаровга топширилган 6.600.000 сўм пулларни судланувчи С.Рустамовнинг ўзига қайтаришни белгилашни лозим топди.

Шунингдек суд, судланувчи Сапаров Кобул Камиловичдан АТ «Aloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш марказига етказилган зарарнинг 219.100.659 (икки юз ўн тўққиз миллион юз минг олти юз эллик тўққиз) сўмлик қопланмасдан қолган қисмини, «Қорадарё» Электр таъминоти корхонасига жами 147.400.000 (бир юз қирқ етти миллион тўрт юз минг) сўм етказилган зарар суммасини, Каттакўрғон туман ДСИ фойдасига 248.816.200 (икки юз қирқ саккиз миллион саккиз юз ўн олти минг икки юз) сўмлик яширилган солиқ суммасини ҳамда АТ «Xalq banki» Нуробод филиалига етказилган зарарнинг 253.586.000 (икки юз эллик уч миллион беш юз саксон олти минг) сўмлик ундирилмаган қисмини ундиришни белгилашни, иш бўйича ёзма далил ҳисобланган ҳужжатларни жиноят иши ҳужжатлари билан сақлаш юзасидан чора белгилашни лозим топди.

Юқорида қайд этилган асосларга биноан суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 475-моддаларини қўллаб, ҳукм қилди,

Ҳ У К М :

Судланувчи Сапаров Кобул Камилович, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 228-моддасининг 1-қисми, 185-2-моддасининг 3-қисми, 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

ЖК 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 185-2-моддасининг 3-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 189-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 228-моддасининг 1-қисми билан юритилган қисми ЖК 64-моддаси 1-қисмининг «а» бандига биноан тугатилсин.

ЖК 59-моддасига биноан тайинланган жазолар ЖК 61-моддаси тартибида қисман қўшилиб, узил-кесил 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



ЖК 60-моддасига биноан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг муддатига жиноятни жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2021 йил 23 апрелдаги ҳукм билан тайинланган 2 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмасдан қолган муддати ЖК 61-моддаси тартибида қисман қўшилиб, узил-кесил 4 (тўрт) йил 7 (етти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 62-моддасига биноан судланувчи К.Сапаров 2023 йил 16 январь кунидан 2023 йил 27 июль кунлари оралиғида қамоқда сақланган 193 кун тайинланган озодликни чеклаш жазоси муддатидан чегирилиб, қатъий ўташлик учун 4 (тўрт) йил 17 (ўн етти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи Сапаров Кобул Камиллович яшаш жойидан, яъни, Самарқанд вилоят, Каттақўрғон туман, Кумушкент маҳалласи, Лублахўр қишлоғидаги яшаш уйидан кеч соат 22.00 дан эрталаб соат 06.00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи Сапаров Кобул Камилловичга қуйидаги;

-Каттақўрғон туман ИИБ пробация гуруҳининг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашлар;

-ҳукм билан ундирилиши белгиланган зарар суммасини 2024 йил сентябрь ойига қадар тўлаш мажбурияти юклатилсин.

Судланувчи Сапаров Кобул Камилловичнинг хулқи устидан назорат қилиш вазифаси Каттақўрғон туман ИИБ пробация гуруҳининг зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Сапаров Кобул Камилловичга ЖК 48-1-моддасининг 6-қисми талаби, яъни, жазони ўташдан бўйин товлаган ҳамда юклатилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддати бошқа оғирроқ жазо чораси билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ўташни бошлаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи К.Сапаровга қўлланилган «гаров» эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаровга топширилган Ласетти русумли, 30 Н 858 КА давлат рақам белгили автомашина судланувчи К.Сапаровга қайтарилсин.

Судланувчи Рустамов Сарвар Суванқулович, Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан айбли деб топилсин ва шу модда билан 1 (бир) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан, суднинг ушбу ҳукми билан тайинланган озодликни чеклаш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларига жиноятни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 1 февралдаги ҳукм билан тайинланган 1 йил банк тизимида мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва 1 йил 5 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖК 61-моддаси тартибида қисман қўшилиб, узил-кесил 1 (бир) йил 6 (олти) ой банк тизимида ва давлат органларида



мансабдорлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, 2 (икки) йил 3 (уч) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 62-моддасига биноан С.Рустамов 2023 йил 14 март кунидан 2023 йил 31 март кунлари оралиғида қамоқда сақланган 18 кун ҳамда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 1 февралдаги ҳукм билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталган 5 ой 27 кунлик қисми, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ҳар уч кун озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, 1 ой 29 кунга тенглаштириб ҳисобланиб, тайинланган озодликни чеклаш жазосининг муддатидан чегирилиб, қатъий ўташлик учун 2 (икки) йил 13 (ўн уч) кун озодликни чеклаш жазо қолдирилсин.

ЖК 61-моддасига биноан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш жазолари алоҳида ижро этирилсин.

Судланувчи Рустамов Сарвар Суванқулович яшаш жойидан, яъни, Самарқанд вилоят, Самарқанд шаҳар, Беруний кўчаси, 86-сонли уйдан кеч соат 22.00 дан эрталаб соат 06.00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи Рустамов Сарвар Суванқуловичга қўйидаги;

-Самарқанд шаҳар ИИБ пробацция гуруҳининг руҳсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Рустамов Сарвар Суванқуловичнинг хулқи устидан назорат қилиш вазифаси Самарқанд шаҳар ИИБ пробацция гуруҳининг зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Рустамов Сарвар Суванқуловичга ЖК 48-1-моддасининг 6-қисми талаби, яъни, жазони ўташдан бўйин товлаган ҳамда юклатилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддати бошқа оғирроқ жазо чораси билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташни бошлаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижроси эса жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 1 февралдаги ҳукм билан ижро этирилиши белгиланган муддатдан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Рустамов Сарвар Суванқуловичга қўлланилган «гаров» эҳтиёт чораси бекор қилиниб, Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига гаров сифатида топширилган 6.600.000 (олти миллион олти юз минг) сўм пуллар судланувчи Рустамов Сарвар Суванқуловичга қайтарилсин.

Судланувчи Сапаров Кобул Камиловичдан АТ «Aloqabank» Самарқанд ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш марказига етказилган зарарнинг 219.100.659 (икки юз ўн тўққиз миллион юз минг олти юз эллик тўққиз) сўмлик қопланмасдан қолган қисми ундирилсин;

-судланувчи Сапаров Кобул Камиловичдан «Қорадарё» электр таъминоти корхонасига жами 147.400.000 (бир юз қирқ етти миллион тўрт юз минг) сўм етказилган зарар суммаси ундирилсин.

-судланувчи Сапаров Кобул Камиловичдан Самарқанд вилоят Каттакўрғон туман ДСИ фойдасига 248.816.200 (икки юз қирқ саккиз миллион



саккиз юз ўн олти минг икки юз) сўмлик яширилган солиқ суммаси ундирилсин;

-судланувчи Сапаров Кобул Камиловичдан АТ «Xalq banki» Нуробод филиалига 253.586.000 (икки юз эллик уч миллион беш юз саксон олти минг) сўм етказилган зарар суммаси ундирилсин.

Иш бўйича ёзма далил сифатида эътироф этилган ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатлари билан сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар, шу жумладан судланувчилар, фуқаровий даъвогар (суд ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми бўйича) ҳукмнинг нусхасини олган вақтдан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга ва протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

/имзо/

А.Абдураззаков

Аслига тўғри

